O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOBXONLIK PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 29 май, шанба № 64 (1952). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 29 мая, 2004 г. № 64 (1952). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Интеграцияни мустаҳкамлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти (МОҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 28 май куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлган саммитида иштирок этди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг учрашувлари яхши анъанага айланган. Зеро, минтақамиздаги тарихи, қадриятлари ва маданияти бир-бирига муштарак халқларнинг эртанги тақдири ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Президентларнинг мунтазам учрашувлари долзарб масалаларга бамаслаҳат ечим топиш, интеграция муаммоларини муҳокама қилиш, дунё сиёсий саҳнасида ва иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратади.

Бундай мулоқотлар «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида тузилган бу ташкилот минтақа мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама муносабатларга оид барча масалаларни мувофиқлаштирувчи восита бўлиб қолмоқда.

2002 йилнинг февралида МОҲТга расман асос солинганидан кейин ҳамкорлик кўлами янги погонага кўтарилди. Саммитлардан ташқари парламентлар раислари, хавфсизлик органлари раҳбарларининг учрашувлари, ишбилармон доираларнинг минтақавий форумлари ўтказилиб турибди.

Ташкилотга аъзо мамлакатлардан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот берадиган мувофиқлаштирувчи вакил тайинланган. Улар ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш, турли вазирлик ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўл очиш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазнятни таҳлил этиш билан шуғулланади.

МОҲТнинг бу галги мажлиси Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Президентлар — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев ва Имомали Раҳмонов минтақавий интеграция жараёнларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳақида, халқаро терроризм ва экстремизмга, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-ярог контрабандасига, ғайриқонуний муҳожирликка қарши кураш, шунингдек, қатор халқаро муаммолар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов ташкилот қамраган минтақада босқичма-босқич асосда умумий бозор ташкил этиш таклифини илгари сурди. Бу ташаббуснинг аҳамияти беқиёс. Умумий бозор минтақага сармоя оқимини кучайтиради. Товарлар ва хизматлар, сармоялар ҳаракати учун кенг имкониятлар очилади.

Саммит қатнашчилари бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Мамлакатимиз раҳбари МОҲТни ривожлантириш жараёнларида Россиянинг иштирок этиши муҳимлигини таъкидлади. Интеграция ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга бу давлатнинг имконият ва салоҳиятини жалб этиш ҳар томонлама фойдалидир. Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам Россия муҳим ўрин тутади.

Саммит қатнашчилари Россия Федерациясининг МОҲТ фаолиятида тўла ҳуқуқ билан иштирок этиши бўйича яқдил қарорга келдилар.

Кенгайтирилган тартибдаги музокарада президентлар минтақа доирасида иқтисодиётнинг эркин савдо зоналарини шакллантиришни жадаллаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

2002 йилнинг октябрида ўтган Душанбе саммитида ҳукуматларга сув-энергетика консорциумини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалаларни ўрганиб чиқиб, бу тўғрида ҳужжат ишлаб чиқиш топширилган эди. Шунингдек, озиқ-овқат ва коммуникация бўйича ҳам алоҳида консорциумлар тузиш зарурлиги қайд этилганди.

Сув танқислиги минтақа учун талай муаммолар келтириб чиқараётгани сир эмас. Мазкур консорциум тузилса нафақат сув, балки энергетика ва ёқилғи захиралари билан боғлиқ масалалар ҳам ечим топади. Президентлар мутасадди раҳбарларга уч ой муддатда консорциум лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширдилар.

Коммуникация ва озиқ-овқат борасида ҳам бундай ечим ҳар томонлама фойдалидир. Зеро, транспорт коммуникациялари — интеграциянинг асосий унсур ва усулларидан бири. Бу билан кўплаб божхона, чегара муаммолари барҳам топади.

Бу консорциумларни ишлаб чиқишда, кейинчалик лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатишга хайрихоҳ халқаро ташкилотлар ҳам талайгина. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молиявий муассасалар ва донор мамлакатлар бундай лойиҳалар учун сармоя ажратиш истагида экани маълум.

Коммуникация, энергетикадан ташқари, савдо-сотиқ ва сайёҳлик каби соҳаларда ягона ва мустаҳкам инфратузилма вужудга келишига олиб келадиган бу консорциумлар глобаллашув шароитида мамлакатларимизни янада яқинлаштиради.

Марказий Осиё мамлакатларида ҳамкорлик ва интеграция учун асос ва имкониятлар жуда кўп. Халқларимизнинг бир-бирига яқинлиги савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни тараққий эттириш учун муҳим заминдир.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти олдига минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Президентлар бу масалалар юзасидан атрофлича фикрлашиб, ҳукуматларга тегишли топшириқлар беришга келишиб олдилар.

Аъзо мамлакатларнинг хавфсизликни таъминлашда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда баҳамжиҳат ҳаракат қилиши учун ҳам МОҲТ яхши воситадир. Президентлар минтақага хавф солаётган иллатларни муҳокама қилар экан, Афғонистондаги вазият юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Узоқ йиллик уруш гирдобидан чиққан бу мамлакат ҳозир тикланиш йўлига тушиб олган бўлса-да, у ерда ҳали ҳам турли даражадаги қуролли тўқнашувлар содир бўлиб турибди, наркотик моддалар ишлаб чиқариляпти. Бунинг асосий сабабларидан бири одамлар тинч ҳаёт кўникмаларини йўқотганидадир. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга миллий иқтисодиётнинг қурби етмайди, иқтисодий инфратузилма секин тикланмоқда.

Кўриниб турибдики, Афғонистондаги барқарорлик ва тараққиётдан манфаатдор бўлган Марказий Осиё давлатлари бу мамлакатга ёрдамни ҳар томонлама кучайтирмоғи зарур. Донор давлатлар маблағ ажратаяпти. Минтақамиз мамлакатларидаги мутахассислар эса бу маблағ эвазига амалга оширилиши кўзда тутилган ишларни уддалай олади. Масалан, Ўзбекистон йўлсозлик ва кўприксозлик соҳалари қаторида алоқа тармоқларини тиклаш бўйича ишларни ҳам бажаришга киришган.

Остона саммитида хусусий-лаштириш жараёнига, ишлаб чиқариш кооперацияси, хўжаликлараро бевосита ҳамкорликка, атроф-муҳит муҳофазасига оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашувда МОҲТ аъзоларининг барчаси қўшилган бошқа бир тузилма — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари президентларнинг диққат марказида бўлди. Ислом Каримов учрашув қатнашчиларини ШҲТнинг келаси ой Тошкентда бўлажак саммитига тайёргарлик жараёни билан таништирди.

Маълумки, бу саммит арафасида иқтисодиёт вазирларининг учрашуви ва иқтисодий форум ташкил этиш кўзда тутилган. Остона музокараларида ШҲТ саммити билан боғлиқ ана шу тадбирларга юқори баҳо берилди, мулоқотлар ҳар томонлама фойдали бўлишига қатъий ишонч билдирилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг қўшма баёноти, МОҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида телевидение ва радио дастурларини ўзаро тарқатиш тўғрисидаги битим ҳамда Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев учрашувининг протокол қарори имзоланди. Саммит доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиб, бош вазир ўринбосарларига товар айирбошлаш ҳажмини кескин ошириш ва бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклиф тайёрлашни топширди.

Шу билан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси якунига етди.

Президентлар журналистлар билан учрашувда музокаралар очиқ ва дўстона руҳда бўлганини, самарали кечганини таъкидладилар. Ташкилот фаолияти яна бир карра танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилгани, интеграция жараёнларини фаоллаштириш йўлидаги муаммоларни бартараф этишда ҳукуматлар органларининг баҳамжиҳат иш юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олингани маълум қилинди.

Демак, МОҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, иқтисодий интеграция мустаҳкамланишига, бу эса халқларимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этишига барча асослар бор.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Остона — Тошкент.

● ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИДА

Давр пешвоз чиқар уларга

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртидамиз. Тарбиявий ишлар услубиёти фанидан навбатдаги давлат имтиҳони давом этмоқда. Бу жараённи кузатиб, талабалик даврим кўз олдимга келди. Имтиҳон бўлаётган хона эшиги тирқишидан мўралашлар, курсдошларимизнинг қайси бири қизариб, чайналиб, қайси бири дадил-дадил жавоб бераётгани, яна қайсинингдир шпаргалка ишлатишга имкон топмай жонсараклигини кузатишлар... Хуллас, ўша олтин давр шўхликлари-ю, қувликлари хаёлимдан ўтди. Аммо бугунги шароит, бугунги талаб бошқача. Ҳаётини ҳарбийликка чоғлаб, ҳадемай лейтенантлик погонини тақадиган курсантлар шижоати, ғайратига қараб беихтиёр «тоғни талқон қиламан, дейди-я» деб юборасиз. Ўша бошқача дея таъкидлаётганимиз — уларнинг миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топаётгани, ҳеч кимдан кам бўлмасликка, Ватани шаънини дунёга янада ёйишга, буюк аждодларига муносиб бўлишга интилишидир.

Тарбиявий ишлар услубиёти фанидан биринчилар қаторида давлат имтиҳонини топшириб чиққан курсант Саидакбар Юсуповни курсдошлари ўраб олишди. Ҳаяжонни тушунса бўлади. «Нечанчи билет, нима савол тушди?», «Қўшимча саволларни кўп беришаяптими?» қабилидаги саволларга уни кўмиб ташлашди. Саидакбар хотиржам, бамайлихотир сўзлаб, курсдошларидаги ҳаяжон ҳовурини босди. «Биз билишимиз керак бўлган нарсаларни сўрашаяпти», деди қисқа қилиб у.

— Елкадан тоғ ағдарилгандай бўлдими? — дейман уни суҳбатга тортиб.

— Ҳали асосий масъулият олдинда. Офицер бўлиб, армиямиз нуфузини янада ошириб, профессионаллашув йўлида маҳоратимизни намоён этиб, Ватан олдидаги қарзимизни узгандан сўнг бемалол шундай десак бўлади.

Оқилона жавобдан руҳланиб, у билан яқиндан танишишга уриндим. Саидакбар Фарғона туманидан. Ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейни тугатиб, билим юртига — ҳаво-десант мутахассислари тайёрловчи факультетига ўқишга кирди. Дастлабки синов — тактикадан бўлиб ўтган давлат имтиҳонида «аъло» баҳо олганди. Тарбиявий ишлар услубиётидан ҳам навбатдаги «5» баҳони қўлга киритди. Аълочи бу курсант имтиёзли дипломга даъвогарлардан.

— Ҳозир топшириб чиққан имтиҳонда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий муносабатлари, Умумҳарбий низомлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида савол бўлди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда командирнинг вазифалари борасида жавоб бердим. Бу тамойиллар нима эканлигини билмай, уларнинг моҳиятини тушунмай шахсий таркибни бошқариб бўладими? Шу боис машғулотларда пухта сабоқлар олдим. Давлат имтиҳонида билганларимни дадил-дадил айтдим. Дарвоқе, тарбиявий ишлар услубиётидан тажрибали офицер майор Абдумутал Қуронбоевдан олган билимларим ўз самарасини берди. Шу ўринда устозларим подполковниклар — Александр Шумин, Олег Грошев, майор Равшан Оллобергановларнинг хизматларини таъкидлаб ўтган бўлардим. Ҳали олдинда кўплаб фанлардан — ҳаво-десант. Ўқ отиш, жисмоний тайёргарликлардан, эксплуатациядан давлат имтиҳонлари бор. Тайёргарликларим ёмон эмас, билимим етарли. Демак, муваффақиятли топширишимга умид бор, — дейди жумладан курсант Юсупов.



Имтиёзли дипломга даъвогарлардан яна бири курсант Виктор Шин ҳисобланади. У тактика фанидан давлат имтиҳонини бешга топширганди. Энди эса тарбиявий ишлар услубиётидан аъло баҳо олишга муваффақ бўлди. Виктор Чирчиқ шаҳ-

(Давоми 3-бетда).

ВСТРЕЧА С ДЕПУТАТОМ

На минувшей неделе в воинском коллективе, возглавляемом офицером С. Шомурадовым, произошло знаменательное событие — с воинами этой части встретился представитель комитета Олий Мажлиса по вопросам обороны и безопасности Ахтам Турсунов, который в своем выступлении затронул ряд жизненно важных вопросов, связанных с обеспечением безопасности страны. Сегодня эта тема особо актуальна, поскольку за последние годы произошли серьезные изменения в системе безопасности как на уровне региона, так и в глобальном аспекте. Сложная военно-политическая обстановка в нашем регионе, активизация экстремистских сил обусловили необходимость разработки и принятия ряда новых законодательных актов. Их неукоснительное соблюдение и выполнение способствует поддержанию мира и стабильности, качественным образом влияет на экономическое развитие и процветание республики. Так, в течение трех последних лет в свет вышли Законы «Об обороне» в новой редакции, «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «О службе в резерве Вооруженных Сил Республики Узбекистан». Именно о важности этих документов и говорил, общаясь с воинами-узбекистанцами, депутат Олий Мажлиса.

В первую очередь он подробно остановился на разъяснении положений Закона «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», в котором, как известно, имеется ряд новшеств, в первую очередь связанных с определением видов военной службы. О том, как внедряется этот закон в жизнь, как работает он на местах, и стремился подробно узнать Ахтам Турсунов.

Большая часть его выступления была посвящена материалам XIV сессии Олий Мажлиса и, в частности, докладу на ней Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова. Возвращаясь к трагическим событиям конца марта и начала апреля этого года, депутат выразил надежду, что вооруженные защитники Родины в случае необходимости сделают все от них зависящее, чтобы преградить путь проискам всевозможного рода экстремистов и обеспечить нашему народу мирную жизнь.

На память о состоявшейся встрече, вызвавшей широкий резонанс в армейских подразделениях, председатель комитета Олий Мажлиса по вопросам обороны и безопасности Ахтам Турсунов подарил воинам книги, которые пополнили библиотечный фонд части.

Подполковник Ярослав КОРУКА.

Вазирлар мажлиси

Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар иқтисодиёт ва савдо вазирларининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Россия, Қирғизистон ва Тожикистон иқтисодиёт ва савдо вазирлари раҳбарлигидаги делегациялар иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Иқтисодиёт вазири Р. Азимов очди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов илгари сурган Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш ташаббусининг минтақамиз халқлари ҳаётида, ШҲТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда гоят муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёни жадал кечмоқда. Бу жараёнда минтақавий тузилмаларининг аҳамияти тобора муҳим аҳамият касб этаётир. Масалан, Европа Иттифоқи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, сармоя, хизмат ва ишчи кучи бозори улуши жаҳон иқтисодиётининг катта салмоғини ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз илгари сурган Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш ташаббуси долзарб масалалардан эканига шубҳа йўқ. Ҳар бир минтақа аҳолиси ўз фаровонлигини оширишда, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этаётир. Бинобарин, минтақада умумий бозор ташкил этилса, маҳсулот, сармоя, хизмат, ишчи кучи бозорининг эркин ҳаракати учун қулай шароит яратилади.

Мажлисда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармасини, ШҲТга аъзо давлатлар минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги веб-сайтини ва ишбилармон доиралар форумини ташкил этиш ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда Хитой савдо вазири биринчи ўринбосари Юй Гуанчжоу, Қозоғистон индустрия ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Г. Амрин, Россия иқтисодиёт, тараққиёт ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Х. Солиев, Қирғизистон иқтисодиёт ва савдо вазири Х. Солиев, Қирғизистон иқтисодий тараққиёт, саноат ва савдо вазири О. Муралиев муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

С. РАҲИМОВ. (ЎзА).

● ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД—2004

УНУТИЛМАС ВОҚЕАГА АЙЛАНДИ

Куни кеча барча ҳарбий округларда сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) хизматининг ойлик йиғинларига жалб этилган фуқароларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг фаол иштироки туфайли бу кун йигитлар учун бир умр унутилмас воқеага айланиши таъминланди.

Жумладан, Шарқий ҳарбий округда бўлган тадбирда округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари — округ штаби бошлиғи полковник П. Эргашев, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш. Иброҳимов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Б. Осмоналиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими вакили А. Мамаюсуповлар қатнашиб, Ватанга содиқ бўлишга онт ичган ўғлонларни қизғин қутлашди. Яқинда Майор Алишер Байшуаков етакчилигидаги сафарбарлик чақируви резервида хизмат ўтаётган фуқароларнинг тантанали Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

— СЧРда хизмат ойлик йиғини муддати нисбатан қисқа бўлсада катта масъулият ва тажриба талаб қилиши туфайли бу ойлик йиғинларда Қуролли Кучларимизнинг маҳоратли офицерлари машғулотлар олиб борадилар, — дейди тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари катта лейтенант Давлат Истагов. — Аммо шу қисқа фурсат ичида ҳам кўзланган натижага эриша олдик, деб ишонч билан айта оламиз.

Соҳиб Жумаев, олий маълумотли юрист:

— Бугун ҳаётимдаги унутилмас кунлардан биридир. Халқимизга, Президентимизга содиқлик ҳақида Ҳарбий қасамёд қабул қилдик. Хизматнинг бу тури мен учун жуда қулай бўлиб, дагина бўлиб ўтган халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг нутқида мазкур воҳа меҳнаткашларига юқори баҳо берилганди. Ҳарбий қасамёд қабул қилган ёш андижонликлар ушбу юксак таърифга доимо муносиб бўлишга интилишларини алоҳида таъкидладилар.

Подполковник С. Расулов командирлигидаги ҳарбий қисмда Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи подполковник О. Қўчқоров, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари — вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Холбоева, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник М. Мамадалиев, Бешкент тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Ф. Қурбоновлар қатнашиб, Ҳарбий қасамёд қабул қилганларга ўз эзгу тилакларини йўлладилар. Айниқса, ҳарбий жамоани бот-бот таъриф буюриб турувчи вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Холбоеванинг аскарларга оналик меҳри билан билдирган тилаклари катта таассурот қолдирди.

Бухоро гарнизонида бўлиб ўтган тантаналарда округ қўшинлари қўмондони ўринбосари подполковник Р. Алиҳўжаев, вилоят ҳокими ўринбосари Ф. Холов, гарнизон ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия капитани Б. Зарипов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Т. Аҳмаджоновлар иштирок этиб, тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Термиз гарнизонида округ қўмондони ўринбосари полковник М. Усмонов, вилоят ҳокими ўринбосари К. Жумаев, шаҳар ҳокими ўринбосари З. Самадов ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими вакили Р. Санжаровлар Ҳарбий қасамёд қабул қилганларни табрикладилар.

Бўлиб ўтган тантаналар халқ ва армиямиз яқдиллигининг яна бир ёрқин исботи бўлди.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАНТАНАЛИ КУН

Майор Алишер Байшуаков етакчилигидаги сафарбарлик чақируви резервида хизмат ўтаётган фуқароларнинг тантанали Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

— СЧРда хизмат ойлик йиғини муддати нисбатан қисқа бўлсада катта масъулият ва тажриба талаб қилиши туфайли бу ойлик йиғинларда Қуролли Кучларимизнинг маҳоратли офицерлари машғулотлар олиб борадилар, — дейди тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари катта лейтенант Давлат Истагов. — Аммо шу қисқа фурсат ичида ҳам кўзланган натижага эриша олдик, деб ишонч билан айта оламиз.

Соҳиб Жумаев, олий маълумотли юрист:

— Бугун ҳаётимдаги унутилмас кунлардан биридир. Халқимизга, Президентимизга содиқлик ҳақида Ҳарбий қасамёд қабул қилдик. Хизматнинг бу тури мен учун жуда қулай бўлиб, севимли касбимни узлуксиз давом эттиришга имкон берди. Дўстларим — тоғ-металлургия комбинатида дизайнер бўлиб ишловчи Алишер Тонготаров, олий маълумотли Жўрабек Саидовлар ҳам бундай имкониятдан мамнундирлар. Биз қисқа вақт ичида ҳарбий илм сир-асрорларини пухта эгаллашимизда фидойиларча хизматлари сингган катта лейтенант Ўткир Баҳромов, лейтенант Умид Исломов, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Мухтор Наимов, Ўлмас Сафаровлардан миннатдормиз. Ўқиш ва ишлашимиз учун яратилган қулай имкониятлар она-Ватан олдидаги қарздорлик ҳиссини кучайтиради. Шундай экан, ҳалол хизматимиз, эришган муваффақиятларимиз билан юрт тараққиётига астойдил ҳисса қўшамиз.

Назокат НОДИРШОҲОВА,
Навоий гарнизони.

Греция, эҳтимол, ёзги Олимпиада—2004 ўйинларини ўзида ўтказишга қарор қилиб, хатога йўл қўйган бўлиши мумкин. Бу ҳақда мамлакат ижтимоий ишлар вазири Георгиос Суфлиас (у аввал молия вазири лавозимини эгаллаган) парламентдаги ўз чиқишида маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, ўйинларни ташкиллаштириш, янги объектлар қуриш ва хавфсизликни таъминлаш учун кетаётган харажатлар бюджет учун жуда юқори бўлмоқда, деб хабар қилади Британиянинг «Файненшл Таймс» газетаси.

***

До 1000 человек считаются пропавшими без вести в одном из городов на острове Гаити, сильно пострадавшем от разрушительных наводнений. Власти Гаити и Доминиканской Республики продолжают подсчет человеческих жертв и разрушений, причиненных двухнедельными проливными дождями в Карибском бассейне. Под водой оказался, в частности, городок Мапу, к юго-востоку от столицы Гаити Порт-о-Пренса.

***

Шанба куни Япония ташқи сиёсий маҳкамаси раҳбари Норико Кавагути Сеулга йўл олади. Жанубий Корея ташқи ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, ўз ҳамкасби Бан Ки Мон билан бўладиган учрашувда Кавагути уни Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуминнинг Пхеньянда ўтказган музокаралари натижалари билан таништиради.

Бундан ташқари, Кавагути ва Бан Ки Мон Шимолий Кореянинг ядровий дастури ва икки томонлама муносабатлар борасидаги муаммоларни ҳам муҳокама қилишади.

***

По словам водителя машины с двумя японскими журналистами, которая была атакована в пригороде Багдада, в результате нападения погибли оба журналиста. В то же время директор госпиталя Имад аль-Малик заявил, что тела журналистов были практически полностью сожжены в результате попадания ракеты.

(По страницам Интернета).

МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

МУРОЖААТ ҲУҚУҚИ

Ҳарбий хизматчилар ва бошқа хизматчилар давлат органлари ва муассасалари, ҳарбий бошқарув органи қўмондонлари томонидан ҳуқуқ ва эркинликларини бузилганлиги тўғрисида ҳарбий прокуратура органлари ва суд идораларига ариза ва шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун 1994 йил 3 майда қабул қилинган эди. Шундан сўнг у янги таҳрирда қабул қилинишига қадар қонунчилигимизда катта ўзгаришлар рўй берди, у узлуксиз ривожланиб, такомиллашди.

Буларнинг барчаси ҳуқуқини рўёбга чиқариш, ҳуқуқ бузилган тақдирда эса уни ҳимоя қилиш тўғрисидаги фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришни тақозо этди.

Янги таҳрирдаги қонун амалиётда фойдаланиш учун жуда қулай тарзда тузилган. Унинг 28-та моддаси ҳуқуқий моҳиятига қараб бешта бобга бўлинган. Эски қонунда эса 18 та модда бўлиб, улар бобларга бўлинмаган эди.

Мазмун жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, қонунда янги қоидалар кўп ва улар биринчи навбатда:

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини (процедурани) янада тўғри тартибга солишга;

мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органларининг аниқ вазифаларини ва уларнинг жавобгарлик доирасини равшанлаштиришга;

мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган.

Қонуннинг 3-моддасида мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги белгилаб берилди. Бу қоида муҳим аҳамият касб этиб, мурожаат қилувчи фуқароларга маълум бир мажбурият юклайди.

Жумладан, фуқаро ўз ҳуқуқи ҳақиқатдан ҳам бузилган тақдирдагина мурожаат қилиши, шикоятда фақат бузилган ҳуқуққа оид маълумотларни кўрсатиши, бошқа шахслар манфаатларига оид, улар ҳақидаги ёлғон ёхуд қадр-қиммати ва шаънига тегадиган маълумотларни ёзмаслиги лозим.

Қонуннинг 6-моддасига кўра, ёзма мурожаат албатта мурожаат қилувчи томонидан имзоланиши шарт. Агар фуқаро шахсий имзосини қўйиш имкониятига эга бўлмаса, унда мурожаат уни тузувчи шахс томонидан имзоланиши ва қўшимча равишда шу шахснинг исм-фамилияси, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

Фуқароларни қабул қилиш тартибига ҳам бир муҳим қоида киритилган. Яъни, агар фуқаронинг қилган бир неча бор мурожаатлари асоссиз деб топилган, ноқонуний характерга эга бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, бундай фуқаронинг қабул қилинишини рад этиш мумкин.

Айтиш мумкинки, бу қоида амалиётда фақат ижобий натижа беради, чунки бир неча бор текширилиб, асоссиз деб топилган шикоятларни қайта-қайта кўриб чиқиш ва уларнинг муаллифларини қабул қилиб, давлат органларининг иш вақтини беҳуда сарфлаш ҳолатларининг олдини олади.

Мазкур қонун фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган ҳар бир мансабдорга масъулият юклайди. Ҳар бир мурожаат диққат ва эътибор билан имконият доирасида муаллиф иштирокида кўриб чиқилиши, асослантирилган зарурий тушунтиришлар берилиши, бузилган ҳуқуқини тиклаш учун тегишли чора кўрилиши лозим.

Ариза — фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Шикоят — фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

Дарҳақиқат, айрим фуқаролар шикоят йўллаётганда унинг нусхаларини ваколатли бўлмаган органларга юбориш ҳоллари учрамоқда. Бу эса уларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш муддатини асоссиз чўзилишига ва ушбу восита самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Лекин шикоятда кўтарилган масалани текшириш бир неча органлар ваколатига кириши мумкин. Масалан, суд қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган шикоятни текшириш суд ва прокуратура органлари ваколатига киради.

Шу билан бирга, фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар ҳарбий прокуратура органларига уларнинг ваколатига кирмайдиган, нафақа ҳамда олган қарзларини ундириш, суд қарорларини ижро этилмаётганлиги сингари масалалар юзасидан ҳам мурожаат қилишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври билан олдинги йилнинг шу даври таққосланганда, фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг мурожаатлари бир мунча кўпайган.

Мутасадди идоралар, мансабдор шахслар фуқароларнинг мурожаатларига бефарқ қарашлари, уларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибига риоя этмасликлари фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари поймол қилинаётганидан далолат беради.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Ҳарбий прокуратура органларида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролар ва ҳарбий хизматчилардан келиб тушган аризалар юзасидан ўтказилган текшириш ишларининг сифати бирмунча яхшиланди. Шунга қарамай, жойлардаги эътиборсизлик, меҳнатга доир қонунларнинг бузилиши, ижтимоий масалалар, шунингдек, тергов ва суриштирув масалалари бўйича фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг норозилигига сабаб бўлувчи ҳолатлар ҳамон учраб турибди.

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органлари масъул эканлиги Асосий Қомусимизнинг 118-моддасида ўз аксини топган.

Ҳарбий прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари ва бошқа прокурор-тергов ходимлари белгиланган вақтларда ҳарбий хизматчилар ва фуқароларни шахсан қабул қилмоқдалар. Бунинг учун ҳарбий прокуратура марказий маҳкамаси, ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратураларда ҳарбий хизматчилар ва фуқароларни қабул қилиш жадвали ташкил қилинган.

Республика Ҳарбий прокурорининг кўрсатмасидан сўнг барча ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратура ходимлари округ ва гарнизон қўмондонликлари билан келишилган ҳолда режага асосан ҳарбий хизматчилар билан мунтазам учрашувлар ташкил қилишиб, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тарғибот аҳволи ўрганилиб, уларнинг назорати остидаги қисм ва муассасаларда «Ҳарбий прокуратура куни» ташкил этилган ва ҳозирги кунгача мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Ушбу тадбир бир вақтнинг ўзида ҳарбий хизматчилар ўртасида қонунларни тушунтириш ва тарғиб қилиш имкониятини яратади.

Прокуратурага нажот истаб келган ёки шикоят, ариза билан мурожаат этган ҳар бир кишининг ўзига яраша дарду ташвиши, муаммоси бўлади.

Жойлардаги округ ва ҳудудий ҳарбий прокурорлар ва прокуратура ходимларининг масъулияти ортиб, улар томонидан қабул қилинган фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг сони жорий йилнинг ўтган даврида олдинги йилни шу даври билан таққосланганда сезиларли даражада ортган ҳамда мурожаатларнинг ҳал этилиши таъминланган. Шубҳасиз, фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг мурожаатларини тинглай билишнинг ўзиёқ уларга анча-мунча руҳий далда бўлади.

Прокуратура ходимлари ўз ишларига ошкоралик бериб, фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар билан яқин мулоқотда бўлишяпти.

Адлия майори
Ўктам МУҲАМЕДЖАНОВ.

ОСНОВА ПРАВОПОРЯДКА

Военное право является действенным средством охраны воинского правопорядка. Основной гарантией его соблюдения служат сознательность военнослужащих, убежденность в справедливости и целесообразности порядка и правил, установленных законами Республики Узбекистан и Общевоинскими уставами Вооруженных Сил. Вместе с тем в охране установленного в Вооруженных Силах правопорядка активно используются военно-правовые нормы. Их роль в решении этой задачи проявляется по различным направлениям.

Одним из этих направлений является установление Общевоинскими уставами и другими нормативными актами запретов совершать действия, причиняющие ущерб воинской дисциплине и правопорядку. К таким запретам можно отнести статьи Уголовного кодекса Республики Узбекистан, в которых перечислены деяния (действия или бездействия), считающиеся посягательством на установленный порядок несения воинской службы. Запреты стимулируют формирование сдерживающих мотивов поведения военнослужащих, способствуя тем самым предупреждению правонарушений и укреплению правопорядка в Вооруженных Силах.

На охрану воинского правопорядка от нарушений направлены и нормы, регулирующие порядок подачи и разрешения предложений, заявлений и жалоб военнослужащих и других граждан. Закон Республики Узбекистан «Об обращениях граждан», глава 5 Дисциплинарного устава Вооруженных Сил Республики Узбекистан определяют порядок подачи заявлений и жалоб в связи с нарушением законности, сроки их рассмотрения и разрешения, обязанности должностных лиц, ответственных за своевременное и правильное их разрешение.

Важную правоохранительную роль играют нормы военного права, предусматривающие применение государственно-принудительных мер в тех случаях, когда военнослужащие не исполняют возложенных на них юридических обязанностей или когда возникают препятствия в осуществлении их прав. Меры принуждения применяются только к тем лицам, которые совершили правонарушение. В зависимости от характера, степени тяжести совершенного правонарушения и других обстоятельств военнослужащие могут привлекаться к уголовной, дисциплинарной, административной или материальной ответственности. Как правило, уже сама возможность применения таких мер, оказывая предупредительное воздействие, способствует поддержанию установленного правопорядка.

Ознакомление с содержанием военного права дает возможность военнослужащим убедиться в законности предъявляемых к ним требований, проникнуться уважением к воинскому правопорядку, основанному на правовых нормах, позволяет им уверенно планировать свои действия и поступки, наглядно видеть надежность правовых гарантий своей деятельности. Неукоснительное соблюдение в воинских частях предписаний законов Республики Узбекистан и воинских уставов, применение к военнослужащим мер поощрения за разумную инициативу, усердие, отличия по службе и подвиги, и мер наказания за правонарушения создают благоприятные условия для формирования у них прочных навыков дисциплинированного поведения, привычки строго следовать требованиям правовых норм.

Воспитательное воздействие права усиливается тем, что оно предъявляет единые требования ко всем военнослужащим, независимо от их национальности, образовательного уровня, должностного положения, воинского звания. Это обстоятельство в немалой степени способствует сплочению воинского коллектива, созданию обстановки взаимного доверия между начальниками и подчиненными, инициативному, сознательному исполнению правовых предписаний. Немаловажную роль здесь играет и присущая военному праву детальность регламентирования воинских отношений, которая помогает военнослужащим вырабатывать у себя такое необходимое качество, как организованность.

Таким образом, военному праву принадлежит важное место в арсенале средств, используемых нашим государством для укрепления Вооруженных Сил.

Майор юстиции
И. ГРЕЧИШНЫЙ,
старший помощник Чирчикского военного прокурора.

ЖАЗО ЭМАС, ТАРБИЯ МУҲИМ

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этилмоқда. Бундай давлатда эса суднинг ўрни ва аҳамияти кескин ошади. Суд фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши лозим. Бунга эришиш учун, энг аввало, судга жазоловчи орган сифатида қарашдан халос бўлиш зарурати туғилади. Ана шу мақсадга эришиш ниятида Юртбошимиз Ислом Каримов суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Юртбошимиз: **«Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади»**, деб таъкидлайди. Маълумки, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни қабул қилиниб, 2001 йил 18 октябрдан кучга кирди. Натижада қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга янада катта эътибор қаратила бошланди. Судларнинг одиллиги ва бегаразлигини таъминлашда масъулият ошди. Судда кўриладиган ҳар бир иш, унинг оддий ёки мураккаблигидан, катта ёки кичиклигидан қатъи назар, қонуний ҳал қилинишига эътибор кучайди.

Юртбошимиз ўз нутқларида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлаб, судланувчиларга нисбатан оғир жазо тайинланишини қаттиқ қоралаган эдилар. Яъни, жазо тайинлашдан мақсад жиноятни содир этган шахсга азоб бериш эмас, балки уни қайта тарбиялаш эканлигини биз судьяларга алоҳида уқтиргандилар. Бунинг моҳияти шундаки, судланган шахс ҳар қандай қонунбузарликка жазо муқаррарлигини англаб етиши ва келажакда бундай номақбул ишларга қайта қўл урмаслигига ишончи ортсин.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши жамиятимизни эркинлаштириш борасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотининг муҳим босқичи бўлиб, жиноят қонунчилигида тубдан бурилиш ясади. Адолат ва инсонпарварлик, бағрикенглик ва миллий анъана, урф-одатларга ҳурмат руҳидаги ғоялар билан суғорилган янги қонун самарасини бугун халқимизнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нафақат судланаётган шахс, балки унинг ўнлаб яқинларини ҳам ташвиш ва изтиробларидан қутқазиб қолди. Шунинг учун ҳам ушбу қонуннинг жорий этилиши адолат тантанасининг қарор топишида беқиёсдир.

Буни кенг жамоатчилигимиз тўла англаб етмоғи лозим. Чунки илгари қасддан жиноят содир қилганга ҳам, тасодиф туфайли иштимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганга ҳам хавфли жиноятчи унсур сифатида ёндашиб, ҳимояга бўлган ҳуқуқлари топталиб, озодликдан маҳрум этиб юборилаверарди.

Дейлик, арзимас қилмиши эвазига озодликдан маҳрум этилган ҳарбий ёшлар қамоқхоналарда қандай муҳитда яшайди, нимани ўрганади? Улар ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллашлари ва жазодан озод бўлганларидан кейин ҳам оғир жиноят содир қилишга мойил бўлиб қайтишлари кўп кузатилган.

Халқимизда «бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил», деган ҳикматли гап бор. Атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, ҳукуматимиз кўрсатаётган бағрикенгликдан, қонунларимизнинг инсонпарварлигидан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз керак.

Бир суҳбат ёки мақола доирасида либераллаштириш тўғрисидаги қонун қамраб олган барча жиҳатларни, унинг мазмун-моҳиятини очиб беришнинг имконияти йўқ, албатта.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилишидан кўзланган асосий мақсад — инсон қадр-қиммати, манфаатини ҳимоя этишга янгича ёндашиш, инсон тақдирига масъулият билан, ғамхўрлик билан қараш ётибди, унинг негизида. Аммо шу ўринда айтиш керакки, айби, гуноҳи кечирилаётган, озодликдан маҳрум этиш жазоси бекор қилинаётган ҳар бир фуқаро кўрсатилаётган инсонпарварлик, берилаётган имкониятнинг қадрига етиб, тўғри хулосалар чиқармоғи, жамиятга фойда келтириш йўлида ҳаётини тубдан ўзгартирмоғи лозим.

Адлия катта лейтенанти
Бобомурод МАҲМУДОВ.

В ходе проведения работ по обслуживанию и эксплуатации сложной техники связи командир взвода старший лейтенант Садикжон Аллаяров особое внимание уделяет дисциплине личного состава.

Только строгое и точное соблюдение требований наставлений и инструкций, своевременное проведение регулировок обеспечивает надежную работу техники в самых сложных климатических условиях.

Фото Александра МРУЧАКА.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Вояга етган ҳар бир йигит фуқаро учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз конституциявий бурчини адо этиш ҳисобланади. Буни ҳамма ҳам бирдек англаб етавермас экан. Масъулиятли бурчини унутиб қўядиган лоқайдлар ҳам орамизда оз бўлса-да учраб туради.

Ўзбошимчалик билан хизмат жойини ташлаб кетиш, хизмат жойига қайтиб келмаслик—бу конституциявий бурчини бажаришдан бўйин товлашнинг хавфли шакли бўлиб, энг оғир жиноятлардандир. Қуролли Кучларимизнинг дастлабки шаклланиш йилларида бундай ҳолатлар бот-бот учраб турарди. Ҳозир аҳвол ўзгача. Бироқ, бундайин жиноятлар орадан бир неча йил ўтган бўлсада жазосиз қолмаслиги лозим. Қуйида сизга сўзлаб бермоқчи бўлган воқеа ана шундайин жиноятлар сирасига киради...

Оддий аскар Р. Сулаймонов муддатли ҳарбий хизматга 1997 йил май ойида чақирилган. Орадан бироз вақт ўтгач, у ҳеч бир узрли сабабларсиз хизмат жойини ташлаб кетган. Шу кетганича Қозоғистон Республикасининг турли жойларида вақтини ўз билганича ўтказиб юрган. 2002 йили Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида яшовчи ота-онасининг доимий истиқомат жойига келганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланган.

Тошкент округи ҳарбий суди ушбу жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагича жазо тайинлади: Р. Сулаймонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 288-моддаси 1-қисми билан назарда тутилган жиноят содир қилганликда айбланиб, унга шу модда билан тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шахсий таркибда соғлом маънавий муҳитни юзага келтириш, таълим ва тарбия ишларида талабчан ва эътиборли бўлиш бундай хунук ҳолатларнинг олдини олишда асосий омилдир.

Адлия катта лейтенанти
Р. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент округи ҳарбий судининг судьяси.

ЎЗАРО МУНОСАБАТДА ТЕНГЛИК ЛОЗИМ

Қуролли Кучларимизда улкан ўзгаришлар юз бераётган бир паллада айрим ҳарбий хизматчиларнинг ҳали ҳам «эски хизматчилар», «янги келганлар» деган шўро давридан қолган эскича тушунчалар таъсирида эканликлари ачинарлидир. Бу бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларининг бузилиши бўлиб, ЖКнинг 285-моддасида жавобгарлик белгилаб ўтилган.

Унга кўра, ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш деб ўзи учун хизматнинг енгил шароитларини, жамоада имтиёзли мавқеини, хизматдошларини ўз иродасига бўйсундиришни таъминлаш ниятида бир ҳарбий хизматчининг бошқасига турли хилдаги эўрлик ишлатиши, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, деб тушунилади.

Оддий аскар Л. Каримов оддий аскар Л. Азаматовдан бир неча ой аввал хизматга келган. Бу муддат ичида анча «кучга тўлган» Л. Каримов ўзидан кейин хизматга келган Л. Азаматовга нисбатан юқорида зикр этилган муносабатларда бўлган. Бу ножоиз ҳаракатлар Л. Азаматов бир неча бор соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган. Натижада Л. Каримовга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Тошкент ҳарбий округи ҳарбий суди бу ишни кўриб чиқиб, тўпланган объектив далиллар асосида Л. Каримовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 285-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топди ва бир йилга интизомий қисмга юбориш жазосини тайинлади.

Низомга зид хатти-ҳаракат яхши оқибатга олиб бормайди. Буни ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши тушуниб олиши зарур. Юқорида биз сизга ҳикоя қилган воқеа ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Адлия катта лейтенанти
Х. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент округи ҳарбий суди судьяси.

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркиби Ватан ҳимоясини муқаддас билиб, она юртига садиқлидан хизмат қилишмоқда, жанговар ва ижтимоий-сиёсий, жисмоний ҳамда бошқа бир қатор тайёргарликларда юксак натижаларни қўлга киритишяпти. Ўзларининг намунавий хизматлари билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 12 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида айтганларидек, **«ҳозирги пайтда армия сафларида хизмат қилаш ҳар қайси йигит учун унинг зиммасига юкланган мажбуриятни бажаришгина эмас, балки барчасининг ҳаваснни тортадиган шаронтда давлат хизматида бўлиб, эл-юрт олдидаги ғоят мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифани адо этишга, ватанпарварлик, мардлик мактабини ўташдек шарафли ишга айланмоқда».**

Афсуски, гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, ҳарбий хизматчилар орасида ўзининг шарафли бурчини, халқига, Ватанига, Президентига берган қасамёди талабларини унутиб қўядиганлар ҳам учрайди. Тошкент ҳарбий округида шартнома бўйича хизмат қилаётган кичик сержант Бахтиёр Галиев ана шундайлар тоифасидан чиқиб қолди.

— Ўртоқ майор, — деди у кунларнинг бирида командирига, — уйимдагиларни кўриб келмоқчи эдим, рухсат беринг.

Ўшанда апрель ойи бўлиб, ҳарбий жамоа аъзолари бахорги назорат синов машғулотларини топширишаётган палла эди. Табиийки, бундай пайтда ҳеч кимга таътил беришнинг имкони бўлмайди. Барча эътибор синовлардан муваффақиятли ўтишга, ҳарбий интизом ва ҳарбий тайёргарлиги юқори савияда бўлган ҳарбий жамоалар сафидан жой олишга қаратилади. Командир кичик сержантга ана шуларни яхшилаб тушунтирди. Секция командири лавозимида хизмат қилаётган Бахтиёр командирининг айтганларини тўғри тушунган кишидек бўлиб унинг ҳузуридан чиқиб кетган бўлса-да, орадан икки кун ўтиб, яна жамоа сардорига учради ва ўзининг олдинги илтимосини такрорлади.

— Сиз кичик командирсиз, наҳотки айтганларимни тўғри тушунмаган бўлсангиз, синовлар тугасин, кейин уйингизга бориб келишга, албатта рухсат бераман, — деди майор ва бу масала бўйича қачон мурожаат қилиши мумкинлигини Бахтиёрга яна бир марта таъкидлаб айтди.

Кичик сержант командири ҳузурига бошқа кирмади. Ўзининг кўнгли тусаганича **йўл тутди: ҳеч кимга миқ** этмай, уйига — Самарқанд вилоятининг Жомбой туманига равона бўлди. Ўзининг айтишига қараганда, у уйида тўрт-беш кун юргач, қисмига қайтмоқчи бўлган, бироқ, сариқ касаллигига чалиниб қолганлиги туфайли келолмай, туман шифохонасига даволаниш учун ётган. Натижада, яъни у касалхонадан соғайиб чиққунига қадар, аниқроғи, туман ички ишлар бўлими ходимлари унинг «ҳолидан ҳабар олгунларигача» орадан икки ой-дан кўпроқ вақт ўтган. Шу давр мобайнида Бахтиёр ўзи ёхуд қариндошлари орқали хизмат қиладиган ҳарбий қисм раҳбариятини ёки туман мудофаа ишлари бўлимидагиларни бетоблигидан хабардор қилишни хаёлига келтирмаган.

Оқибатда, ҳарбий жамоасига эмас, ҳибсхонага йўлланма олган. Бахтиёр Галиев бандиликда ўтирар экан, ўз ишининг нотўғри эканлиги ҳақида кўп ўйлади, ножўя қилмишидан жуда кўп пушаймон бўлди. Аммо, энди кеч эди. Жиноятнинг жазосиз қолмаслиги муқаррар эди.

— Мени кечиринглар, ўз хатоимни тўла тушуниб етдим. Айбимни аъло хизматим билан ювишга имкон беринглар. Менга ишонинглар, бундан кейин асло хатоликка йўл қўймайман, — дея кўзларида ёш билан ҳарбий суд ҳайъатидан илтижо қилди. Ўйламай босган қадами жабрини тортаётган ўзбошимча йигит.

Тўғри йўлдан адашган, аскарлик шарафига доғ туширган Бахтиёр Галиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддасига мувофиқ, жиноятига яраша ҳукм ўқилди. Суд томонидан судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда адолат тарозиси бузилгани йўқ.

Адлия подполковниги
Умиджон МИРЗАЕВ,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг ўринбосари.

Военно-политические новости

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ КТК

Совет Безопасности ООН возложил на Россию функции председателя своего Контртеррористического комитета (КТК). Этот комитет был создан в сентябре 2001 года в соответствии с резолюцией СБ номер 1373 после терактов в Нью-Йорке и Вашингтоне, которые унесли жизни почти трех тысяч человек. КТК содействует государствам — членам ООН в повышении их антитеррористического потенциала. В состав комитета входят все 15 членов СБ. До России в комитете председательствовали Великобритания и Испания.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАНФААТЛАРИДА

Куни кеча Бойқўнғир космодромидан Россия мудофаа вазирлиги манфаатларини кўзловчи ҳарбий мақсадлардаги «Космос» сериясидан бўлган йўлдош билан бирга «Циклон-2» учирувчи ракетаси старт олди. Ушбу старт 20-сонли учириш мосламасидан Фазовий қўшинлар ва Федерал фазо агентлигининг ҳамкорликдаги жанговар ҳисоб-китобларига таянган ҳолда амалга оширилди. «Циклон-2» учирувчи ракетаси «Космос»ни мўлжалланган орбитага олиб чиқди.

КОНТИНГЕНТ УВЕЛИЧИТСЯ

Великобритания увеличит свой военный контингент в Ираке на 370 человек, после чего общая численность британских военнослужащих в Ираке составит 8900 человек. Об этом заявил министр обороны Великобритании Джеффри Хун.

МУДДАТНИ БЕЛГИЛАБ БЎЛМАЙДИ

Германия федерал канцлери Герхард Шрёдер «ҳозирги вақтда резолюцияда коалиция қўшинларини Ироқдан олиб чиқишнинг аниқ муддатини белгилаб бўлмайди», деб баёнот берди. «Бу Ироқдаги вақтли ҳукумат билан муҳокама қилиниши зарур бўлган масала», — деди Шрёдер Мексика президенти Висенте Фокс билан бўлган учрашувидан сўнг.

В ОРГАНИЗАЦИИ ПОКУШЕНИЯ...

Президент Пакистана Первез Мушарраф заявил, что в организации покушения на него в декабре прошлого года принимали участие «ряд молодых военных». По словам Мушаррафа, несколько военнослужащих уже арестованы и скоро им будут предъявлены обвинения. У всех них, как отметил пакистанский президент, не очень высокие воинские звания. Как заявил глава пресс-службы ВС Пакистана генерал-майор Шавкат Султан, всего по подозрению в причастности к покушению были допрошены 10 военных. В декабре 2003 года на Мушаррафа было совершено два покушения, в обоих случаях неизвестные нападали на президентский кортеж.

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН...

Болгария яқин йиллар ичида қуролли кучларни такомиллаштириш учун 938 миллион доллар сарфлашни, шунингдек НАТО талабларига мувофиқ бўлиши учун уларнинг сонини қисқартиришни кўзда тутмоқда. Ҳукумат вакилларининг хабар беришича, армияни такомиллаштириш бўйича яратилган 11 лойиҳа доирасида ҳукумат, жумладан, янги жанговар ва транспорт самолётлари сотиб олишга қарор қилди. Шунингдек, Болгария бир вақтлар собиқ иттифоқдан сотиб олинган мавжуд ҳарбий вертолётларни замон талаблари асосида такомиллаштиради, янги ва ишлатилган кемалар ҳамда замонавий аппаратуралар сотиб олади.

ОБСТРЕЛЯНЫ СОПРОВОЖДАЮЩИЕ

Под Багдадом были обстреляны несколько американских солдат, которые сопровождали группу освобождаемых из тюрьмы Абу-Граиб военнопленных. Стрельба была открыта после того, как военнопленные и сопровождавший их конвой покинули здание тюрьмы. Из-за обстрела американские военные вынуждены были остановить 13 автобусов, в которых находились освобожденные пленники. Никто из американских военнослужащих не пострадал. После инцидента бывшие военнопленные были доставлены в Багдад, где их встречали родственники.

(По страницам Интернета).

ДАВР ПЕШВОЗ ЧИҚАР УЛАРГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ридан. Шу ерда улғайиб, курсантларга, ҳарбийларга ҳавас қилиб, билим юртига ўқишга кирди.

— Мен ҳақимда газетага ёзишингиз шарт эмас. Қуролли Кучлар сафига бориб, офицер сифатида хизмат қилиб, ютуқларга эришсам, юрт ҳимояси йўлида мардлик, жасорат кўрсатсам, гаплашармиз. Фақат иложи бўлса газета орқали энг яқин устозларим подполковниклар — Феруз Мамедов, Олимжон Нишонбоевларга раҳматимни етказсангиз бас, — деди курсант қисқача суҳбат давомида.



Шунингдек, катта лейтенант Шуҳрат Холмуҳамедов командирлик қилаётган мазкур взводнинг курсантлари — сержант Ойбек Мадраимов, кичик сержант Ренат Камолитдинов, Камол Хамроев, Жаҳонгир Ҳожиев кабилар биз гувоҳи бўлган давлат имтиҳонини аълога топширишди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бу жамоадаги битирувчи курсантларнинг 70 фоизи тилга олинаётган фандан яхши ва аъло баҳоларни олишди. Имтиҳон тугагач, Мудофаа вазирлигининг масъул ходими, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси асослари ва амалиёти», «Тарбиявий ишлар услубиёти» фанлари бўйича кичик комиссия раиси подполковник Худойназар Жуманазаров биз гувоҳи бўлган давлат имтиҳони хусусида қуйидагича фикр билдирди: «Таъкидлаш жоизки, курсантлар жиддий ҳозирлик кўришибди. Бу командир ҳам, унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳам бўлғуси офицерларимизнинг тарбияси учун масъул эканлигини чуқур ҳис қилишаётганидан далолат. Бу борадаги раҳбарлик ҳужжатларига курсантларимиз янада эътибор қаратишса яхши бўларди».

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, давлат имтиҳон комиссиясининг раиси полковник Маннобжон Аҳмедов мазкур имтиҳонда иштирок этар экан, битирувчи курсантларнинг билимидан қониқиш ҳосил қилди. Ҳа, бaралла айтишимиз мумкинки, улар Қуролли Кучларимизнинг ёрқин келажаги.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК
олган сурат.

В ШАГЕ ОТ ЛЕЙТЕНАНТСКИХ ПОГОН

В эти дни в высших военно-учебных заведениях Министерства обороны в разгаре горячая пора сдачи Государственных экзаменов. Однако этот решающий шаг выпускникам сделать будет нелегко — экзаменационные комиссии настроены со всей строгостью и вместе с тем справедливостью оценивать знания выпускников.

Члены Государственной экзаменационной комиссии под руководством заместителя Министра обороны по оснащению и вооружению полковника И. Шайхутдинова остались довольны тем, как подготовились к сдаче экзаменов курсанты-выпускники Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища. Будущие офицеры демонстрируют зрелые знания общественных, военных наук и вполне заслуженно удостаиваются высоких оценок.

Так, на высоте оказались по предмету «Методика воспитательной работы», младшие сержанты Ш. Саламов и Х. Тангиров, а на экзамене по учебной дисциплине «Войсковой тыл и войсковое хозяйство» высшим баллом оценены младшие сержанты С. Хошимов и Р. Кулиев, курсанты Х. Ахмедов и Н. Караханов.

— Есть у нас и кандидаты на дипломы с отличием, — рассказал в телефонном разговоре старший офицер учебного отдела СВВАКИУ майор Александр Крылов. — Успех названных выше курсантов вдохновил всех, и теперь есть все основания надеяться, что многие последуют этому доброму примеру.

Данное учебное заведение не случайно является объектом пристального внимания Главного управления вооружения — наряду с офицерами-автомобилистами здесь готовят и специалистов по вещевому, продовольственному обеспечению, начальников служб горюче-смазочных материалов и тыловиков. Ведь успех проводимой в Вооруженных Силах военной реформы, уровень боеготовности армии будут не в последнюю очередь зависеть и от качества технического оснащения, тылового снабжения наших войск.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● 2004 ЙИЛ — МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

ҲУНАРЛИ—ХОР БЎЛМАС

Шаҳримизнинг С. Раҳимов туманида бир даргоҳ бор. Ҳар гал у ерга борганимда кўнглимда нималардир ғалаён қилади. Алланечук бўлиб кетаман.

Тақдир тақозоси билан бир танишимнинг қизалоғи у ерда таҳсил олади. Шанба кунлари Мунозатни уйимизга олиб келаман. Душанба куни элтаман. Унинг имо-ишорасию бармоқ ҳаракатларига ҳам анча тушуниб қолдим. Уларнинг биз билмаган, биз англаб етмаган ўз дунёси бор.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани 106-сон заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида 350 нафар ўқувчи сабоқ олади. 147 нафар ходимлар фаолият кўрсатади. Интернат раҳбари Феруза Йўлдошеванинг доимо болалар учун шароит яратишга ҳаракат қилиб, елиб-югуриб юрганини кўраман.

— Бу ерда тарбияланаётган болаларнинг 60 фоизи ирсий нуқсон ҳамда ичкилик оқибатида ёки шифокорларнинг нотўғри муолажаси туфайли ногирон бўлиб туғилганлардир. — дейди Феруза опа куюнчаклик билан. — Биз уларни беш ёшиданоқ аввал боғчамизга, сўнгра мактабимизга қабул қиламиз. Шуниси қувонарлики, сўзлашни билмаганлар гоҳида бу ердаги тарбиячию ўқитувчиларнинг маҳорати билан талаффузини бузиб бўлсада «она», «ота» деган сўзларни айта олади. Бундан ташқари уларнинг орасида иқтидорлилари ҳам бор. Уларнинг муваффақиятларини кўриб биз ҳам севинамиз.

Ҳа, Феруза опа севинганича бор. Чунки опа бу ердаги ўқувчиларни ўз фарзандидек яхши кўради, хурсандчилигига шерик бўлади.

Ўқувчилар ҳам Феруза опа томон худди онасига талпингандек талпинишади. Улар бир-бирларини нигоҳлари ила тушуниб олишади. Интернатдаги болаларга деярли барча шарт-шароитлар тахт қилинган. Бир гал опа мени тадбирга таклиф қилди. Интернатдаги Шавкат Отахонов ва Вазира Норматова етакчилигидаги раққос йигитлар ва қизларнинг ўйинларини кўриб, тўлқинланиб кетдим. Бири биридан чиройли, гўзал йигит-қизларни нуқсони бор деб ўйламайсиз. Бу рақс гуруҳи ҳар йили пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Меҳржон» байрамида иштирок этишаркан. Интернатда спорт тўгараги ҳам яхши йўлга қўйилган. Яқинда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида шахмат бўйича ўтказилган мусобақада интернатнинг 5-синф ўқувчиси Сирожиддин Зайнутдинов I-ўринни эгаллаб халқаро турнирга йўлланма олди.

Ногирон болаларнинг расмлар кўргазмасида эса 8«а» — синф ўқувчиси Дилфуза Абиджанова қатнашиб, 1-ўринни олишга сазовор бўлди ҳамда Миср Араб республикасида ўз кўргазмасини ўтказиш учун йўлланма олди. Дилфузанинг рангтасвирларида баҳор, камалак жилоси, ҳар хил инсонлар қиёфаси, яхшиликнинг ёвузлик устидан қилган ғалабаси акс этади.

Интернатда Севара Абуова, Мухлиса Муҳаммадиева, Нодира Ғофурова ва Шоҳиста Муҳсимова каби расмларнинг сирли оламига иштиёқманд, қобилиятли ўқувчилар ҳам бор. Улар Феруза опанинг саъй-ҳаракатлари билан Гулсара Ражабова етакчилик қилаётган ногирон болаларнинг санъат марказида таҳсил олишади.

Интернатда хорижнинг «Меҳр лойиҳаси» дастури асосида «Ҳаёт нафаси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. «Меҳр лойиҳаси» дастури томонидан интернатга болаларнинг эшитиш қобилиятларини ривожлантириш учун тиббий ускуна совға қилинган.

Халқимизда «Ҳунарли — хор бўлмас» деган бир нақл бор. Феруза опа тарбияланувчиларни ҳам бу ердан бирон-бир ҳунарнинг эгаси бўлиб кетишини, мустақил ҳаётга қадам қўйганда қоқилмасликларини истайди. Шунинг учун Ф. Йўлдошева ўғил болаларни кондиционерларни тузатиш бўйича «Меҳр лойиҳаси» дастури ходимлари билан ҳамкорликда ўқитаяпти. Қизлар учун шаҳримиздаги «Оила зийнати» ўқув-маркази раҳбари билан келишган ҳолда бичиш-тикишни ҳам йўлга қўйди. Хонани чеварлар учун керакли бўлган жиҳозлар билан тўлдирди. Қизлар ҳам уч ойда ҳунарли бўлишиб, қўлларига диплом олишади.

Феруза опанинг келгусидаги режалари ҳам бисёр. Эндиликда қизларни уй бекалигига тайёрлаш, таом тайёрлаш сирларини ўргатишни режалаштирган. Унга ҳам хоналар тайёрлаш, ўқитувчи ёллаш зарур. Хуллас, интернатда тарбияланувчилар меҳрибон ва ғамхўр Феруза опа ҳамда мураббийлар билан бир оиладек яшаб, ўқиб, билим олиб ўз иқтидорларини намоён этишаяпти.

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

ОҚИБАТНИ АСРАНГ, АЗИЗЛАР

Қишлоқ ҳақида гап кетганда меҳр-оқибат сўзи биринчи бўлиб тилга олинади. Чунки бундай камтаргина масканда яшовчилар қўни-қўшничилик, қариндош-уруғчиликнинг азалий удумларига қатъий риоя қилиб келишади. Оқибатни асровчи бундай қонун-қоидаларга риоя этмаганлар эса халқ орасида ўз-ўзидан ажралиб, тўғрироғи яккаланиб қолади. Шу сабабли бўлса керак, кўплаб миллий анъаналар ҳам қишлоқларда асралиб қолган. Шу томони билан қишлоқ аҳли катта бир оилани эслатади, гўё. Биз мана шундай қишлоқда улғайдик. Дадам билан Ҳусанбой амаким ака-укаининг фарзандлари бўлишган. Бу икки оиланинг болалари номигагина девор тортилган ёнма-ён ҳовлиларда катта бўлганмиз. Амакимнинг аёллари Тўхтахон аямни ўз онамиздек яхши кўрардик. Уларнинг уч ўғил икки қизи бўлиб, кечроқ фарзанд кўришганлиги сабаб, болалари биздан ёшроқ эди. Амаким гавдали, забардаст, спортга меҳри баланд инсон эди. Шунингдек, ўқитувчи бўлишганлиги учун гапдон, муомалаликлари билан барчанинг кўнглига йўл топа оларди. Бундай инсон бош бўлган хонадон эл назарида бўлади, албатта.

Гўё гуркираган чинорни чақмоқ ургани каби амаким автоҳалокатга учраб оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан бир оёқларидан айрилган ҳолда умрлари асраб қолинди. Аммо бу қувонч ҳам узоққа чўзилмади. Орадан икки-уч йил ўтиб автоҳалокатнинг юракка таъсири туфайли оламдан кўз юмишди. Бу айрилиқни Тўхтахон аям кўтара олмади. Қаттиқ сиқилишлар натижасида оғир дардга чалиниб, бир йилдан кейин аям ҳам тупроққа қўйилди. Фарзандсизлик туфайли неча мустарликлар кўриб, Оллоҳдан минг саждалар ила тилаб олган болалари уй бетида қолди. Уларнинг бахтига амаким ва аямнинг оналари Ойсахон ва Қандолатхон оналар саломат эди. Бироқ фарзандларидан айрилган бу кекса онахонлар ҳам жудолик доғида кун сайин шамдайин эриб боришарди. Бундай пайтда қўни-қўшни, қариндош-уруғнинг ўрни нақадар катта эканлигини ўшанда англаб етганман. Оиланинг катта фарзанди Ҳакимахон эндигина ўн тўрт, кичик фарзанд эса беш ёшларда эди. Болалар умуман боқувчисиз қолган бўлса-да, бирорта инсондан уларни Меҳрибонлик уйига топшириш ҳақидаги сўзни, ёки маслаҳатни эшитмаганман, ҳатто. Вақти келса рўзгор юкини эр-хотин қўшқўллаб тортишга қийналаётган бир пайтда қишлоқ аҳлининг, оила яқинларининг меҳру-оқибати, муруввати, одамийлиги туфайли амакимнинг фарзандлари нафақат моддий балки, маънавий томондан ўзларини ўнглаб борди, оёққа турди. Йиллар давомида соғ-саломат улғайиб, эл назаридаги инсонлар қаторига қўшилишди. Уларга ҳозир кўпчиликни ҳаваси келади, фарзандларини улардан ўрнак олишга чақиришади. Бу ҳам бўлса инсонийликни, қадр-қимматни улуғлаган қишлоқ аҳли, маҳалла-кўйнинг меҳр-оқибати туфайли. Тўғри, ота-она ўрнини ҳаётда ҳеч зот босолмас. Аммо Меҳрибонлик уйларида бўлганимизда кўпчилик болаларнинг ота-оналари ҳаёт, соғ-саломат эканлигини билиб, ўйга толамиз. Уларнинг ўксик нигоҳларидан қалбимиз зил кетади.

Бир дугонамнинг онаси фарзанд кўргач, ҳали туғруқхонадан чиқмаёқ оғир дардга чалиниб қолганлиги учун бошқа шифохонага ётқизилди. Чақалоқ эса маълум муддат туғруқхонада парваришланди. Кейинчалик отасининг рухсати билан болалар уйига ўтказилди. Биз ўшанда ўн беш ёшлардаги ўсмир қизлар эдик. Бир куни ўша уч-тўрт ойлик гўдак сингилчасини кўргани борган дугонам уни қаровсиз ҳолатда озиб кетганлигини кўриб олиб келиб ўзи парваришлашга қарор қилади. Бунга дадаси, яқинлари қаршилик қилса-да, ўз сўзида йиғлаб туриб олгани ҳамон эсимда. Уни сингилчасини катта қилиши осон кечмади. Неча марталаб чақалоқ билан шифохоналарда ётиб чиқди. Ўша пайтларда озиб, қоқсуякка айланган гўдакни яшаб кетишига кўпчилик ишонмаганди ҳатто, жигарлик меҳри сабаб, ўзи ҳали ўсмир қиз бўла туриб оналик масъулиятини зиммасига олган дугонамнинг саъй-ҳаракати билан қизалоқ умри асраб қолинди. Унинг тили «она» деб чиқди, яъни дугонамни она деб чақирарди.

Мана шундай меҳрли, куюнчак инсонлар бор экан, етим фарзандлар ота-онадек азиз бағрларда улғаяди. Меҳр-шафқат, эзгу амаллар қучоғида камолга етади. Бундай инсонларнинг эса келажаги улуғ бўлади, шубҳасиз. Шундай экан, меҳр-оқибатни жондек асрайлик, азизлар.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг мамлакатимиздаги минтақавий ваколатхонасида журналистлар учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда БМТ Бош котибининг ўринбосари, ташкилотнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ижрочи директори Антонио Мариа Коста иштирок этди.

Айтиб ўтиш лозимки, М. Коста 24—29 май кунлари Марказий Осиёга расмий ташриф буюриши, унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон давлат раҳбарлари, ҳукуматнинг мансабдор шахслари билан учрашувлари кўзда тутилганди. Матбуот анжуманида ҳам айнан шу ташриф ва ундан кўзланган мақсадлар хусусида сўз борди.

«Марказий Осиё Гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши Жаҳон ҳамжамияти олиб бораётган курашда алоҳида ўрин тутади. Мен Марказий Осиё мамлакатларини янги «қурбон»ларнинг олдини олишда янада мустаҳкам минтақавий ҳамкорликка чақираман», деди жумладан ўз сўзида М. Коста.

Ташриф дастурига кўра, нуфузли меҳмон Бишкекда Гиёҳванд моддалар устидан назорат агентлиги очилиши маросимида, Душанбеда худди шундай маҳаллий агентликнинг 5 йиллик тўйида иштирок этади, чегара минтақаларига боради.

БМТнинг минтақадаги вазиятдан хавотирга тушишига асос бор, албатта. Афғон огусининг муайян қисми минтақа мамлакатлари орқали тарқалаётгани бу ҳудудда гиёҳвандликка мойилликни оширмоқда. Бу эса ОИТС тарқалишига ҳам олиб келаяпти.

Минтақадаги аҳволни биргина Тожикистон мисолида ҳам ҳис этишимиз мумкин. 2003 йилда мамлакатда 5,6 тонна героин, 2,3 тонна опий қўлга олинган. Нуфузли меҳмоннинг эътироф этишича, жорий йилда Афғонистонда гиёҳванд моддалар етиштириш даражаси рекорд кўрсаткичга етиши мумкин экан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, БМТнинг биз тилга олаётган бошқармаси бу огуга қарши курашда катта ёрдам бермоқда. Айни пайтда бошқарманинг йиллик бюджети 35—36 миллион АҚШ долларига тенг. Ташрифдан кўзланган мақсадлардан асосийси минтақадаги бугунги вазиятни атрофлича ўрганиб, бу ерда бошқарманинг янги минтақавий лойиҳаларини амалга ошириш. Шулардан бири айнан шу муаммони ўрганувчи Марказий Осиё тадқиқот ва таълим институтини яратишдир. Хуллас, инсониятга катта хавф солаётган иллат — гиёҳвандликка қарши курашга тобора ҳамжиҳат, уюшқоқ бўлишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Капитан
Ш. ТОЛМАСОВ.

ЗАНЯТИЕ 1. СУЩНОСТЬ ПРАВА ВООРУЖЕННЫХ КОНФЛИКТОВ

Редакция газеты «Ватанпарвар» продолжает публикацию серии материалов, предназначенных для преподавателей допризывной подготовки юношей в профессиональных колледжах и академических лицеях республики в рамках отведенных 4 тем по курсу программы изучения права вооруженных конфликтов (международного гуманитарного права).

Данная тематическая разработка предоставлена Региональным представительством Международного Комитета Красного Креста в Центральной Азии.

Несколько слов о терминах. В литературе встречаются термины «международное гуманитарное право», «право вооруженных конфликтов», «право войны» и т. п. По сути дела они являются синонимами. В научных кругах, учебниках для вузов, на дипломатическом уровне предпочтение отдают первому термину, а другие термины больше используются в вооруженных силах.

Международное гуманитарное право состоит из международных норм, цель которых заключается в защите людей и объектов от последствий войны. Эти нормы сформулированы в международных договорах, которые можно разделить на 4 группы:

— договоры о защите жертв войны;

— договоры об ограничении и/или запрещении некоторых видов оружия;

— договоры о защите некоторых объектов;

— договоры о международной юрисдикции (пресечении военных преступлений).

Первая группа договоров является собственно «гуманитарным правом» и направлена на защиту определенных категорий людей, которые непосредственно не принимают участия в вооруженных конфликтах (т. е. гражданское население) и/или прекратили непосредственно участвовать в них (т. е. раненые и больные из состава вооруженных сил на суше и на море, военнопленные). Его основные положения отражены в Женевских конвенциях 1949 г. и в двух Дополнительных протоколах к ним 1977 г. Поэтому эту часть гуманитарного права называют «Женевским правом».

Вторая группа договоров международного гуманитарного права, названная «правом войны» или «правом вооруженных конфликтов», направлена на ограничение используемых видов оружия, средств и методов ведения вооруженных действий, а также определяет права и обязанности воюющих сторон. Она обычно называется «Гаагским правом».

Основными документами Женевского и Гаагского прав считаются:

ЖЕНЕВСКОЕ ПРАВО — предоставляет защиту категориям лиц, не участвующих или прекративших участвовать в военных действиях:

(I) ЖЕНЕВСКАЯ КОНВЕНЦИЯ — об улучшении участи раненых и больных в действующих армиях.

(II) ЖЕНЕВСКАЯ КОНВЕНЦИЯ — об улучшении участи раненых, больных и лиц, потерпевших кораблекрушение из состава вооруженных сил на море.

(III) ЖЕНЕВСКАЯ КОНВЕНЦИЯ — об обращении с военнопленными.

(IV) ЖЕНЕВСКАЯ КОНВЕНЦИЯ — о защите гражданского населения.

ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЙ ПРОТОКОЛ I К ЖЕНЕВСКИМ КОНВЕНЦИЯМ (1977 г.) — защита жертв международных вооруженных конфликтов.

ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЙ ПРОТОКОЛ II К ЖЕНЕВСКИМ КОНВЕНЦИЯМ (1977 г.) — защита жертв немеждународных вооруженных конфликтов.

ГААГСКОЕ ПРАВО — определяет права и обязанности сторон, ограничивает выбор оружия, средств и методы ведения военных действий:

САНКТ-ПЕТЕРБУРГСКАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ (1868 г.) — об отмене употребления взрывчатых и зажигательных пуль.

ГААГСКАЯ КОНВЕНЦИЯ, КАСАЮЩАЯСЯ ЗАКОНОВ И ОБЫЧАЕВ СУХОПУТНОЙ ВОЙНЫ (1899 г.) — первая в истории кодификация методов и способов ведения войны.

ЖЕНЕВСКИЙ ПРОТОКОЛ О ЗАПРЕЩЕНИИ ПРИМЕНЕНИЯ НА ВОЙНЕ УДУШЛИВЫХ, ЯДОВИТЫХ ИЛИ ДРУГИХ ПОДОБНЫХ ГАЗОВ И БАКТЕРИОЛОГИЧЕСКИХ СРЕДСТВ (1925 г.).

КОНВЕНЦИЯ О ЗАПРЕЩЕНИИ РАЗРАБОТКИ, ПРОИЗВОДСТВА И НАКОПЛЕНИЯ ЗАПАСОВ БАКТЕРИОЛОГИЧЕСКОГО (БИОЛОГИЧЕСКОГО) И ТОКСИЧНОГО ОРУЖИЯ И ОБ ИХ УНИЧТОЖЕНИИ (1972 г.).

КОНВЕНЦИЯ О ЗАПРЕЩЕНИИ ИЛИ ОГРАНИЧЕНИИ ПРИМЕНЕНИЯ КОНКРЕТНЫХ ВИДОВ ОБЫЧНОГО ОРУЖИЯ, КОТОРЫЕ МОГУТ СЧИТАТЬСЯ НАНОСЯЩИМИ ЧРЕЗМЕРНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ ИЛИ ИМЕЮЩИМИ НЕИЗБИРАТЕЛЬНОЕ ДЕЙСТВИЕ (1980 г.):

Протокол I — о необнаруживаемых осколках;

Протокол III — о запрещении или ограничении применения мин, мин-ловушек и других устройств;

Протокол III — о запрещении или ограничении применения зажигательного оружия.

КОНВЕНЦИЯ О ЗАПРЕЩЕНИИ РАЗРАБОТКИ, ПРОИЗВОДСТВА, НАКОПЛЕНИЯ И ПРИМЕНЕНИЯ ХИМИЧЕСКОГО ОРУЖИЯ И О ЕГО УНИЧТОЖЕНИИ (1993 г.).

ПРОТОКОЛ, КАСАЮЩИЙСЯ ОСЛЕПЛЯЮЩЕГО ЛАЗЕРНОГО ОРУЖИЯ (1995 г.) — стал Протоколом IV к Конвенции 1980 г.

КОНВЕНЦИЯ О ЗАПРЕЩЕНИИ ПРИМЕНЕНИЯ, НАКОПЛЕНИЯ, ПРОИЗВОДСТВА И ПЕРЕДАЧИ ПРОТИВОПЕХОТНЫХ МИН И О ИХ УНИЧТОЖЕНИИ (1997 г.).

Следует напомнить, что большинство современных договоров Гаагского права были приняты под эгидой ООН, хотя роль МККК в их разработке была немаловажной.

Третья группа международно-правовых документов направлена на защиту объектов культуры и природной среды от последствий военных действий:

1. ГААГСКАЯ КОНВЕНЦИЯ И ПРОТОКОЛ О ЗАЩИТЕ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СЛУЧАЕ ВООРУЖЕННОГО КОНФЛИКТА (1954 г.) — принята под эгидой ЮНЕСКО.

2. КОНВЕНЦИЯ О ЗАПРЕЩЕНИИ ВОЕННОГО ИЛИ ЛЮБОГО ИНОГО ВРАЖДЕБНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СРЕДСТВ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ПРИРОДНУЮ СРЕДУ (1976 г.) — принята под эгидой ООН под влиянием вьетнамской войны.

3. ВТОРОЙ ПРОТОКОЛ О ЗАЩИТЕ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СЛУЧАЕ ВООРУЖЕННОГО КОНФЛИКТА (1999 г.). — принята под эгидой ЮНЕСКО.

Квинтэссенцией всех норм, содержащихся в Женевских конвенциях 1949 г. и двух Дополнительных протоколах к ним 1977 г., являются следующие основные положения международного гуманитарного права:

1. Лица, прекратившие принимать участие в военных действиях, а также лица, не принимающие в них непосредственного участия, имеют право на уважение их жизни, а также психической и физической неприкосновенности. При всех обстоятельствах они должны находиться под защитой и пользоваться гуманным обращением без какого-либо различия неблагоприятного характера.

2. Противника, который сдался в плен или прекратил принимать участие в военных действиях, запрещается убивать, а также недопустимо наносить ему ранения.

3. Раненых и больных необходимо подобрать, и им должна быть оказана помощь стороной в конфликте, во власти которой они оказались. Под защитой находятся также медицинский персонал, санитарные учреждения, их транспорт и оборудование.

4. Эмблемы Красного Креста или Красного Полумесяца на белом фоне являются знаком этой защиты, и их необходимо уважать.

5. Взятые в плен участники военных действий и гражданские лица, находящиеся во власти противника, имеют право на сохранение жизни, уважение их достоинства, личных прав и убеждений (политических, религиозных и иных). Они должны быть защищены от любых насильственных действий и репрессалий. Они имеют право на переписку со своими семьями и на получение помощи.

6. Каждому человеку должны быть предоставлены основные судебные гарантии. Никто не несет ответственности за действия, которые он не совершал. Никто не может подвергаться физическим и психическим пыткам, равно как телесным наказаниям или оскорбительному, унижающему достоинство обращению.

7. Стороны, находящиеся в конфликте, и лица из состава их вооруженных сил ограничены в своем праве выбора методов и средств ведения боевых действий. Запрещается применять оружие или методы ведения военных действий, способные вызвать ненужные потери или причинить излишние страдания.

8. Стороны, находящиеся в конфликте, должны всегда проводить различие между гражданским населением и комбатантами, для того чтобы щадить гражданское население и гражданские объекты. Не должны подвергаться нападению ни гражданское население в целом, ни отдельные гражданские лица. Нападения должны быть направлены только против военных объектов.

Вышеуказанные положения международного гуманитарного права, хотя и не имеют силу юридического документа, наиболее удачно служат для его распространения, как среди военнослужащих, так и широких слоев населения.

Присоединяясь к Женевским конвенциям, государство берет на себя ряд обязательств, связанных с их выполнением, например: имплементация в свое национальное законодательство; распространение знаний о них среди военнослужащих и гражданского населения; принятие необходимых мер по наказанию нарушений норм МГП.

191 государство приняло на себя обязательства по Женевским конвенциям. В настоящее время 161 государство участвует в Первом, и 156 — во Втором дополнительных протоколах.

Будучи участницей Женевских конвенций и Дополнительных протоколов, Республика Узбекистан связана обязательствами по этим договорам.

Рассмотрим вопросы, вытекающие из **четвертой группы международных договоров,** связанных с нарушением норм МГП, т. е. договоров о международной юрисдикции (пресечении военных преступлений). Нарушения норм МГП преследуются на двух уровнях: на национальном уровне и на международном уровне. В первом случае нарушителей судят в тех странах, к которым они принадлежат. Однако это случается очень редко.

Итак, в ситуациях, когда национальные системы юрисдикции «не замечают» или не хотят замечать нарушения МГП, такие нарушители могут привлекаться, по требованию других государств, к судебному преследованию, осуществляемому международным судом.

В настоящее время международное сообщество стремится создать постоянно действующий Международный уголовный суд (МУС), статут которого был учрежден 17 июля 1998 г. в Риме. Статут МУС вступил в силу 1 июля 2002 г. В общей сложности, на 15 мая 2004 г. Статут был ратифицирован 93 государствами. Постоянный Международный уголовный суд осуществляет свою деятельность по осуждению за преступления геноцида, военные преступления, преступления против человечности и преступления агрессии.

1. Преступление геноцида — любое из следующих деяний, совершаемых с намерением уничтожить, полностью или частично, какую-либо национальную, этническую, расовую или религиозную группу:

— убийство членов такой группы;

— причинение серьезных телесных повреждений или умственного расстройства членам такой группы;

— предумышленное создание для какой-либо группы таких жизненных условий, которые рассчитаны на полное или частичное уничтожение ее;

— меры, рассчитанные на предотвращение деторождения в среде такой группы;

— насильственная передача детей из одной человеческой группы в другую.

(Продолжение следует).

● ЯХШИ ДАМ — ХИЗМАТГА ҲАМДАМ

СЕРЖАНТЛАР ШУНДАЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

Рўпарамизда оғирлиги нақ 16 минг тонналик улкан иншоот. Кўринишидан худди коинот кемаси дейсиз. Катта қизиқиш билан «кема» ичкарисига кирамиз. Экскурсовод — Моҳирахон Усмонова йиғилганларни 1985 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган ушбу ғаройиб иншоот билан боғлиқ маълумотлар билан таништирди, саволларга батафсил жавоб беради. Кўп ўтмай «парвоз»га шайланамиз. Лифтлар бизни кўз очиб юмгунча 100 метр баландликка — томоша майдонига элтиб қўяди. Катгаю кичик гўё Тошкентнинг мусаффо осмони узра қанот қоқиб, гўзал манзараларни, биноларни мириқиб томоша қила бошлайди, узоқ-узоқларга тикилади...

Шундай қилиб, дунёга машҳур Тошкент телеминорасига саёҳат ниҳоясига етади. Аммо томоша, шоду хуррамлик пойтахтнинг энг машҳур болалар оромгоҳи ҳисобланмиш «Тошкентленд»да, Ҳайвонот боғида давом этади. Болажонларнинг, жажжи ўғил-қизларнинг шўх кулгулари, қийқириқлари яна авжида. Айниқса, фарзандларга парвона бўлиб юрган ота-оналарнинг ҳурсандчилигини айтмайсизми?!



Булар ҳали ҳаммаси эмас. Ўзбек миллий академик театрига, Халқлар дўстлиги саройига, Алишер Навоий номидаги кинотеатрга ташриф ҳам жуда кўнгилли кечди. Шонли тарихимизга, маданиятимизга оид бебаҳо экспонатлар, машҳур қўшиқчи Озода Нурсаидованинг дилрабо қўшиқлари, «Қирмизи олма» спектакли, «Осмондаги болалар-2» фильми меҳмонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларига, маънавий озуқа олишларига яқиндан ёрдам қилди.

Агар пойтахт маданий ҳаётида фаол иштирок этаётганларнинг бари ҳарбий округлар, узоқ гарнизонлардан келган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари эканлигини эътиборга олсак, бундай қизиқарли маданий-маърифий тадбирларнинг улар учун нақадар муҳимлигини, улкан аҳамиятини англаб етиш қийин эмас. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу дам олиш тадбирлари Мудофаа вазири Буйруғига кўра, энг илғор, энг аълочи ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаяпти, уларга бепул имтиёзли равишда хизмат кўрсатилмоқда. Посбонлар учун Дўрмондаги Ҳарбийлар дам олиш марказида намунали шарт-шароитлар яратилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Юқоридаги сўзларимизнинг тасдиғини эса қуйидаги миннатдорчилик сўзларидан яққол билиб олишингиз мумкин.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти, гуруҳ командири Ботир Шерқобилов (Термиз гарнизони):

— Саккиз йиллик ҳарбий хизматим давомида оиламиз билан биринчи бор мириқиб ҳордиқ чиқардик, десам, асло хато бўлмайди. Ўғлимиз Бахтиёр, қизимиз Моҳирахонларнинг хурсандчиликдан боши осмонда.

Шартнома бўйича хизмат катта сержанти, гуруҳ командири Сайдулло Маматраҳимов билан суҳбатлашиб турсам, жажжи қизалоғини етаклаб олган Мунисхон савол бериб қолди.

— Жуда зўр дам олдикда, яна келса бўлармикан?!

— Буниси Сайдуллога боғлиқ, — дейман кулимсираб.

Нукус гарнизонидан келган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ўнгарбой Содиқов, унинг турмуш ўртоғи Аноргул Полвонниёзованинг ҳам хурсандчиликлари чексиз.

— Шунча йилдан бери қизларим Дилбар, Гулзар, Феруза ларни Тошкентни томоша қилдиришга вақт топа олмаётган эдим. Томошалар кутилганидан зиёд бўлди.

Мақоламизни юқоридаги тадбирларни ташкиллаштиришда фаол иштирок этаётган Офицерлар марказий уйи катта йўриқчиси катта лейтенант Дилявер Аблаевнинг сўзлари билан якунлашни лозим топдик.

— Илғор посбонларни рағбатлантиришнинг усуллари кўп. Аммо, бундай мазмунли, кенг қамровли дам олишнинг ўрни бошқача. Энг муҳими, бундай, ажойиб тадбирлар узлуксиз давом этаяпти, ойдан ойга сифати ошаяпти. Имтиёзга эга бўлганларнинг бари Мудофаа вазирлиги раҳбарияти кўрсатаётган ғамхўрликдан, Маданий ишлар хизмати эътиборидан жуда хурсанд.

Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК олган суратлар.

● АСКАР ИЛҲОМИ

Эгнига ҳарбий либос ярашган оддий аскар таҳририятимизга кириб келди. Тортиниб, ийманиб бир даста шеърий машқларни узатди. «Хизматдан бўш пайтларимда ёзганман», дея изоҳ берди. Маълум бўлишича, чегара қўшинларида хизмат қилаётган бу ижодкор посбон — оддий аскар Бахтиёр Содиқов баҳорги синовлардаги аъло натижалари учун қисм қўмондонлиги томонидан қисқа муддатли таътилга муносиб топилибди. У армиягача Ромитон туманидаги 11-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатини тугаллаган. Шеърий машқлари республика матбуотида чоп этилади. Аскарлик илҳоми билан ёзилган шеърларидан саралаб, сиз азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

ТАҲРИРИЯТ.

ҚИШЛОҒИМ ТОНГИ

Тонгга юз тутмоқда
сўлим қишлоғим,
Тун қаро пардасин
кетмоқда тортиб.
Қуёш ҳам уйқудан
кўтармоқда бош,
Ҳаётнинг бир кунлик
ташвишин ортиб.

Шабнамдан бир дунё
тақинчоқ тақиб,
Келиндай бош эгиб
турган майсалар.
Зум ўтмай бисотин
алмашиб нурга,
Ўзлари кўк томон аста
юксалар.

Қайдадир тинмасдан
маърайди говмуш,
Тонг янглиғ оқ сутга
тўлиб елини.
Йўлакда эриниб супурги
тортар,
Уйқуга тўймаган қўшни
келини...

Сўнг эса намиққан илон
из йўлда,
Қолдириб тескари
саноқсиз излар.
Қари-ёш барчаси тез
қадам ташлаб,
Янги кун довонин
қучмоқни кўзлар.

БАҲОНА
(ҲАЗИЛ ШЕЪР)

Мен сенга даста гул
тутмоқ бўлгандим,
Куз келиб бошланди
гуллар хазони.
Меҳрим-да қалбингни
иситмоқ бўлсам,
Қиш келиб бошланди
қорлар тўзони.
Йўлингга поёндоз бўлмоқ
истовдим,
Баҳор яшил гилам тутди
кафтида,
Аламдан кўзда ёш,
лекин ёз келиб,
Ул ҳам қуриб кетди
қуёш тафтида.

Оддий аскар
Бахтиёр СОДИҚОВ.



ҲИКМАТЛАР

● Йигитликда йиғ илмнинг маҳзанин,
Қарилик чоғингда харж
қилгил ани.

● Нарсаларга қизиқишинг йўқолса, хотирангдан ҳам айриласан.

● Ҳамма кишилар ва ҳамюртларга яхшилик қилмоқ керак. Имконияти бўлмаган тақдирда яхши ният ва сўз билан, имконияти бўлганда эса амалий иш билан яхшилик қилмоқ лозим.

● Яхшининг сўнгаги тупроқда чириса ҳам, номи қолади.

● Ҳар бир ёмон ишдан сақла ўзингни
Яхшилар ишидан узма кўзингни.

● Олижаноб киши агар биров жароҳатланса уни боғлаб қўяди, йиртса — ямайди, агар бир томондан зарар келтирса, ҳар томондан фойда келтиради.

● 31-МАЙ — ҚАШАНДАЛИККА ҚАРШИ ХАЛҚАРО КУРАШ КУНИ

САККИЗ СЕКУНД ЭМАС, ОЖИЗЛИГИМИЗ САБАБ

Соатингизга қараб, саккиз секунд ўтишини кузатинг. Ҳа, балли, бари рисоладагидек-а. Энди Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЮСТ) тарқатган маълумотга эътибор қаратинг. Айнан сиз кузатган бу қисқа вақт оралиғида қашандалик оқибатида бир инсон оламдан ўтди. Яъни, статистика тили билан айтганда, ҳар саккиз секундда шу иллат сабабли ўртача бир инсоннинг ёстиғи қуриркан. Ҳа, ажабланманг, бу аччиқ ҳақиқат.

Келинг, даставвал ЮСТ маълумотларига таянган ҳолда чекишнинг бошдан оёққача қандай хасталикларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўриб ўтайлик.



Тамаки инсон иммунитетини сусайтиради. Бу эса тери хасталикларига дучор бўлиш хавфини оширади. Люпус эритематосус, яъни соч тўкилиши касаллиги ҳам айнан шу билан боғлиқ. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, чекиш кўриш қобилиятига салбий таъсир эта боради. Статистиканинг кўрсатишича, кашандалар соғлом одамларга нисбатан 40 фоиз кўп катаракатага, яъни кўз гавҳари хиралашуви касаллигига чалинаркан. Аниқроқ қилиб айтганда, чекиш кўз гавҳарининг ёруғлик ўтказиш қобилиятини сусайтира бориб, ҳатто кўрликкача олиб келиши мумкин.

Тиббиётдан унчалик хабари бўлмаганларга бир нарсани айтиб қўяй. Юз тарисини тараиглаштириб турадиган нарса бу — оқсиллар. Ана шулар чекиш оқибатида эрта парчаланиб, ажин пайдо бўлишига, терининг барвақт қаришига сабаб бўлади. Айниқса, кашандаларнинг кўз ва оғиз атрофларида яққол кўриниб турадиган ажинлардан буни пайқаш мумкин.

Чекиш томирлар атеросклерози дея номланувчи хасталикни эрта ривожлантиради. Бу эса қулоқ ичида қон айланишининг сусайишига сабаб. Айнан шу боис кашандаларда қулоқ шамоллаши, юқори частотали ва интенсив шовқинлар таъсирида эшитиш қобилиятини йўқотиш каби муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Сурункали чекиш оқибатида сўлакнинг кимёвий таркиби ўзгаради. Бу эса тишларнинг сарғайиб кетиши, тошлар ҳосил қилиши ва тўкилиб кетишига асосий омил.

Албатта, кашандаликнинг тўғридан-тўғри ўпкага таъсири хусусида алоҳида тўхталиш шарт эмас. Биргина ўпка эмфиземасини айтиб ўтиш билан унинг оқибатини кўрсатиш мумкин. Мазкур хасталик негизида ўпка альвеолаларининг деворчалари ёрилиб кетиши ётади. Натижада ўпка ҳажми камайиб, кислород ва углерод оксидларининг алмашинуви бузилади.

Суяк хасталиги бўлган остеопорознинг келиб чиқишига чекишнинг қай даражада сабабчи эканлигини биласизми? Маълум бўлишича, сигарет тутунидаги кучли заҳарли газ ҳисобланувчи углерод оксиди қон элементлари билан осон бирикади. Бунинг натижасида қондаги гемоглобин кислород ташиш функциясини 15 фоизгача йўқотади. Кислород етишмаслиги эса суяк зичлигини пасайтиради. Бу эса суякнинг тез синишига сабаб. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу ҳолатда суякнинг битиши чекмайдиганларга нисбатан 80 фоиз узоқроқ вақт давом этади.

Дунёда бугунга келиб ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг учдан бир қисмини юрак-қон томир касалликлари ташкил этаяпти. Табиийки, чекиш бу хасталикни келтириб чиқарувчи хавфли омилларнинг асосийсидир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, чекиш юракни тез ишлашга мажбур қилиб, қон босими кўтарилишига олиб келади. Бу эса гипертония ва қон томирларининг тиқилиб қолиш хавфини оширади ҳамда юрак инфарктн ёки мияга қон қуйилишига сабабдир.

Чекиш ошқозонни бактериялар таъсирига чидамсиз қилиб, яра ҳосил бўлишини таъмин этади. Айтиш жоизки, чекувчиларда ошқозон яраси чекмайдиганларга нисбатан қийинроқ даволанади.

Қўл бармоқлари терисининг рангида ўзгариш сездингизми? Билиб қўйинг, тамаки тутунидаги смола моддалари қўл бармоқлари териси ва тирноқларда тўпланиб, уларнинг рангини сариқ-қўнғир тусга айлантиради.

Кўп бора таъкидланган, чекувчи аёллар бепуштлик, ҳомиладорлик ва туғиш жараёни асоратларига, бачадон ракига учрашлари мумкин. Айнан ҳомиладорлик пайтидаги чекиш эса ногирон бола туғилиши хавфини оширади.

Терида қизил, намланиб турадиган тошмалар ҳосил бўлганини пайқадингизми? Бу псориаз хасталиги аломати. Мазкур хасталик кашандаларда чекмайдиганларга нисбатан 2—3 марта кўп учраши аниқланган.

Бергер касаллиги синдромини эшитганмисиз? Бўлмаса билиб қўйинг. Оёқларда артерия ва вена томирларининг яллиғланиши натижасида қон айланиши ёмонлашади. Бу кесиб ташлашни талаб қиладиган гангренадир. Чекиш ана шу хасталик билан ҳам «ошно» эканлигини унутманг.

Ниҳоят навбат саратон хасталигига келди. Сигарет тутунидаги 40 дан зиёд элемент саратонни чақирувчи канцероген моддалар ҳисобланади. Хулоса ва таҳлил учун шуни айтиш мумкинки, кашандалар чекмайдиганларга нисбатан 22 марта кўп ўпка, 6 дан 27 мартагача кўп оғиз бўшлиғи, сўлак безлари ва томоқ, 10—18 марта халқум, 8—10 марта қизилўнгач, 5 мартагача буйрак, 5 мартагача кўп ошқозон ости бези саратонига чалиниши мумкинлиги аллақачон исботланган.

Кўриб турганингиздек, «Чекиш — соғлиқ учун зарар» дейилган огоҳлантириш замирида ана шундайин хасталикларга чалиниш хавфи кўзда тутилган. Яна соатга қараяпсизми? Бир неча кишининг — кашанданинг ёстиғи қуриганига ишора қилаяпсизми? Бунга вақт эмас, ўзимиз, ўз ожизлигимиз сабаб.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Тутунга ўралган рақамлар

Кашандаликка қарши кураш бугунги кунда дунёдаги энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир ер юзи аҳолисининг ҳар олтидан бири мутасил чекади. Энг ачинарлиси, дунё бўйича ҳар ўн кишининг бири тамакининг инсон саломатлигига таъсири оқибатида ҳаётдан эрта кўз юммоқда.

Эҳтимол, Американи ўзи билмаган ҳолда кашф этган Христофор Колумб 1492 йилда Тобаго оролида яшовчи ҳиндуларнинг ғалати чекимлиги билан қизиқиб қолганда (табак — тамаки сўзи ҳам шу орол номидан келиб чиққан), уни Европага ўзи билан олиб кетмаганида, бугун олам аҳли кашандалик балосидан изтироб чекмаётган бўлармиди? Нима бўлганда ҳам ҳозир сайёрамизнинг тамаки тутуни ўрмалаб кирмаган жойи қолмади ҳисоб.

Маълумотларга кўра, дунёда ҳар куни ўртача 8—10 миллиард дона сигарета чекилади. Бу рақамнинг салмоғини чамалаб кўриш учун олти қаватли иморатни кўз олдингизга келтиринг. Бани башар бир кунда чеккан тамакисининг кулидан ҳосил бўлган «хирмон» ана шу бино билан баравар бўларкан.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, юртимизда кашандаларнинг умумий сони йилига етти фоиздан ошиб бормоқда. Чекиш туфайли келиб чиққан касалликлар оқибатида ҳар йили ўттиз мингдан ортиқ юртдошимиз ҳаёт билан видолашаётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

Инсон иродаси мустаҳкам. Халқимиз таъбири билан айтганда, нон ва сувни истеъмол қилишдан бўлак ҳамма нарсани «ташласа» бўлади. Нима дединг?

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Бу ҳафтада омад сизга кулиб боқади, якунланиш арафасида турган кўплаб ишларингиз муваффақиятли амалга ошади. Мулоқотлардан ўзингизни олиб қочманг, чунки ҳар қандай алоқалар сиз учун фойдали бўлади. Хизматда бўшлик, иродасизлик кўрсатмасликка интилинг, бундан ўзгалар фойдаланиб қолиши мумкин.

БУЗОҚ. Бу ҳафтада ўзингизни қўлга олиб, кучларингизни бир ерга жамланг, ана шунда олдинги ҳафтада ҳал қилиб бўлмайдигандек туюлган ишни амалга оширишга эришасиз, унинг натижалари эса сизни хурсанд қилади. Хизматда обрў-эътиборга, муваффақиятга эришиш имкони пайдо бўлади. Ҳафта хизмат сафарлари ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун қулай.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта турли мулоқот ва учрашувларга бой бўлади. Сафдошлар билан кўплаб ишларни амалга оширишга муваффақ бўласиз. Илмий ва ўқув фаолияти билан шуғулланувчилар учун айниқса қулай ҳафта. Турли можаролардан узоқроқда бўлишга ҳаракат қилинг. Командирларга ўз таклиф ва мулоҳазаларингиз билан мурожаат қилишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Касбий даражани ошириш, янги кўникмаларни эгаллаш, хизмат вазифаларини чуқурроқ англаб олиш учун қулай давр келмоқда. Муҳим ахборотни ўтказиб юборманг — у сиз учун жуда фойдали бўлади. Шошма-шошарликка йўл қўйманг, диққатингизни жамлаб, бошлаб қўйган ишларингизни якунлаб олинг.

АРСЛОН. Бу ҳафтада иш биринчи ўринга чиқади — кўплаб муҳим ишлар ва кутилмаган топшириқлар бўлади, улар сиздан кўп куч талаб этади, аммо натижада командирлар сизнинг ҳаракатларингизни муносиб баҳолайди. Диққат-эътиборли бўлинг, акс ҳолда алданиб қолишингиз мумкин. Ташаббус кўрсатган барча ишларингиз муваффақиятли якунланади.

ПАРИЗОД. Жамоада, сафдошлар билан ижодий ва касбий ҳамкорликда иш олиб бориш учун жуда қулай ҳафта. Ўз ҳис-туйғуларингизни назорат қилинг — атрофдагиларга нисбатан ўта талабчан ва қизиққонлик қилаётган бўлишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўйлаб юрган ғояларингизни амалга ошириш имконияти юзага келади.

ТАРОЗУ. Касбий муносабатларда ҳаммаси яхши томонга ўзгаради, сиз қизиқарли мавзулардаги кўплаб мулоқотларда иштирок этасиз, хизмат сафарларига боришингиз ҳам мумкин. Муҳим янгиликлардан хабардор бўласиз. Яқинларингиз билан бир оз тушунмовчиликлар бўлиши мумкин, аммо ташвишланманг, муаммолар бир кундаёқ ҳал бўлади.

ЧАЁН. Ҳафта хизмат сафарлари учун ҳам, қизиқарли саёҳатлар учун ҳам жуда қулай. Командирлар, расмий кишилар, ҳокимият тузилмаларига ҳозирча мурожаат этмай турган маъқул. Уз хатоларингизни, айниқса сафдошларга нисбатан хизматда бўлган камчиликларни тўғрилаб олишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР. Ўз билим ва кўникмаларингизни ошириш устида ишлаш учун қулай бўлган ҳафта кириб келмоқда. Атрофдагилар билан мулоқотлар кўпаяди, янги танишувлар бўлади. Жамоатчилик фаолияти сизга лаззат бахш этади. Кўпдан бери ўйлаб юрган режаларингизни амалга ошириш вақти келди. Руҳий тетиклик сезасиз, бу сизнинг иқболиятингизда намоён бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳаётда ҳеч бўлмаса қисқа муддатга тўхтаб, ҳар томонлама ўйлаб кўриш зарур бўлган онлар ҳам бўлади. Сиз учун ҳам шундай давр келди. Касбий шериклардан муҳим янгиликлар эшитасиз. Сафдошларингиз ва яқинларингизга нисбатан эътиборли ва эҳтиёткор бўлинг, чунки сизнинг ёлғизликка интилишингизни улар бошқача тушуниши мумкин.

ҚОВҒА. Бу ҳафтада биринчи даражали ишларни бажариб олишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ, чунки келаси ҳафтада бунга кучингиз ҳам, вақтингиз ҳам етишмаслиги мумкин. Сиз йиғилиб қолган кўплаб ишларни муваффақиятли якунлашга эришасиз. Сиз сафдошлардан тортиб, ҳатто нотаниш кишилар учун ҳам керакли бўласиз.

БАЛИҚ. Бу ҳафта сизга кўплаб қизиқарли имкониятлар олиб келиши мумкин. Манфаатдор кишилар билан ҳамкорликда муҳим ишларни бошлаш мумкин. Ҳис-туйғуларингиз сиздан устун бўлишига йўл қўйманг. Сизда аввалдан қолиб кетган эски ишларни яхшилаш ва янги даражага кўтариш имкони пайдо бўлади. Сафдошлар ва командирлар билан муносабатлар яхши давом этади.

Ўзбек атласининг Токио коллекцияси

Токнода ўзбек атласидан тикилган замонавий либослар кўргазмаси очилди. Унда машҳур япон санъатшуноси Мамико Окабе хонимнинг сўнгги 5—6 йил давомида Ўзбекистон ва Европанинг қатор мамлакатларида олиб борган илмий-ижодий изланишлари ўз ифодасини топган.

«XXI асрнинг илк йиллари дунё сиёсатчилари ва халқаро матбуотнинг Марказий Осиёга янги ғоялар манбаи сифатидаги эътиборнинг кескин кучайиши билан баҳоланади. Аммо мазкур минтақага замонавий либослар дизайнерларининг нигоҳи биринчи бўлиб тушган», дейилади Японияннинг энг йирик кундалик нашрларидан бири «Здейли Юмнори» газетасида. Япон мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда яхши сақланиб қолган мато тайёрлаш ва либос тикиш анъаналари бугунги кунда дунёга машҳур дизайнерларни илҳомлантириб келмоқда.

М. Окабе хоним ҳам ушбу кўргазмани ташкил этишда ўзбек миллий либослари фалсафасини тўлиқ тушунган ва уни ўз ижодий йўналиши билан бойитишга ҳаракат қилаётган жаҳонга машҳур қарийб 40 та дизайнер орасидан 6 тасининг ишларини танлаган. Кўргазмада, айниқса, Францияда катта муваффақият қозонган Жон Галлианонинг баҳор-ёз коллекциясига кўпроқ ўрин ажратилган. Унинг ишларида ўзбек либосларининг асл тузилиши деярли сақланган бўлиб, камалакранг атлас ва ипак матоларининг ўзига хослигига урғу берилган.

— Кўргазмани ташкил этишда ўзбек маданиятига нисбатан Японияда тобора ошиб бораётган қизиқишни инобатга олдик, — дейди М. Окабе хоним «Жаҳон» АА мухбирига берган интервьюда. — Кийим-кечаклар ҳар бир халқнинг урф-одатлари, дунёқараши, турмуш тарзи ва анъаналарни ўзида жам этади. Японияликлар ушбу кўргазма орқали жаҳон цивилизациясида «Шарқ гавҳари» номини олган кўҳна ва замонавий Ўзбекистон маданияти билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Кўргазмада замонавий кийим-кечаклар билан бир қаторда анъанавий услубда тикилган либослар ҳам намойиш қилинмоқда. Хотин-қизларнинг кумушдан тайёрланган турли тақинчоқлари, ранг-баранг ипак матоларининг асл нусхалари, Ургут ва Фарғонада ишланган сўзаналар ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Шу йил февраль—март ойларида Киото шаҳрида намойиш этила бошланган мазкур кўргазма июль ойига қадар токиоликлар эътиборида бўлади. Сўнгра у йил мобайнида Фукуока ва Кобе шаҳарларига кўчади.

Беруний ОЛИМОВ,
«Жаҳон» АА.
Токио.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



МУАММОНОМА ОЧҚИЧ СЎЗЛАР: 1. Жисмоний қувват — 13, 6, 17. 2. Она замин нусхаси — 10, 12, 11, 15, 6, 3. 3. Жасур, танти инсон — 14, 1, 16, 2.

4. Маълум минтақага хос об-ҳаво — 4, 5, 12, 4, 14.

5. Миллий ширинлик тури — 9, 11, 7, 7, 11, 8.

Энди шаклнинг ўрта қисмларидаги рақамларни очқич жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Шунда халқимизнинг ҳикматли сўзларидан бирини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 58-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЕЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Лайлак. 2. Лазер. 3. Леонов. 4. Лондон. 5. Лоҳур. 6. Лукиан. 7. Латвия. 8. Лимон. 9. Лоцман. 10. Лакмус. 11. Лукач. 12. Лаплас. 13. Лантан. 14. Лақай. 15. Лашкар. 16. Лаззат. 17. Лапар. 18. Лаёқат. 19. Ликоп. 20. Лосос. 21. Лицей. 22. Логос. 23. Ливан. 24. Луғат. 25. Ламинария. 26. Ломоносов. 27. Логопедия. 28. Лермонтов. 29. Локомотив. 30. Лабиҳовуз.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУҚАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-03-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 0189.